



Ю. И. АХМАДАЛИЕВ

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ

Ю.И.Ахмадалиев – география факлари доктори, Ўзбекистон География жамияти Фарғона бўлими раиси, Фарғона давлат Университети кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети декани. Юздаг ортик илмий, илмий-оммабоп мақолалар, ўқув-услубий кўлалимлар муаллифи. У тоқори малакати географ ҳамда олий маълумотли ҳуқуқшунос мутахассисларнинг эл атлат анлиги гуфайли фанини тугати, табиий-ижтимоий йўналишларида илмий-тадқиқот ишларини фаол олиб бормокда. Жумладан, у Ўзбекистонда ер ресурстардан фойдаланишининг ҳудудий ташкил этилишининг экологик ва ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш, топонимлар пайдо бўлишидаги табиий-ижтимоий ҳолатлар таҳлили, жой номлари этимологиясини аниқлашда географик омилларнинг ролини очиқ бериш, топонимиканинг ҳуқуқий муаммолари билан шугулланади.



«ФАРҒОНА»

Ю.И. АХМАДАЛИЕВ

# ФАРҒОНА ВИЛЮЯТИ ТОПОНИМЛАРИ

«ФАРҒОНА» нашриёти,  
2009 йил

**Тақризчилар:**

**С.МҶУМИНОВ,**  
филологiya фанлари доктори, профессор.

**А.СОЛИЕВ,**  
география фанлари доктори, профессор.

**Масвуд муҳаррир:**  
**О.АБДУҒАНИЕВ,**  
география фанлари номзоди.

**Ю.И.АХМАДАЛИЕВ**  
**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ**  
«ФАРҒОНА» нашриёти, 2009 йил - 140 б.

ISBN 978-9943-347-66-3

*Ушбу ўқув услубий қўлланма Фарғона давлат университети  
Илмий Кенгашининг 2009 йил 28 февралдаги №2 сонли қарорига асосан  
Республика Маънавият тарғибот маркази Фарғона вилояти бўлими  
ҳамийлигида нашр этилди.*

*Қўлланма топонимика соҳасини ўрганиувчи талаба, магистр ва  
аспирантларга ҳамда ушбу соҳага ҳизматчи барча мутахассисларга  
мўлжалланган.*

© «Фарғона» нашриёти, 2009 й.

## СЎЗ БОШИ

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий ўзгиримизни англаш, бебаҳо кадриятларимизни тиклаш, мустабид тузум дaвpида асосиз равишда ўзгаририб юборилган кўплаб қадимий жой номларини қайта ўз ўрнига қўйиш имконияти юзага келди. Юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарыда бу мавзуга тўхталиб, "Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган" деб ёзди.

Бугунги кунда мазкур соҳада олиб бoриладиган ишларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Республикамызда «Ўзбекистон Республикасында маъмурий-ҳудудий тuzилиш, топонимик объектларга ном бeриш ва уларнинг номларини ўзгаририш масалаларини ҳал этиш тўғрисида»ги Қонун (1996) ва унинг ижросини таъминлаш мақсадыда Ўзбекистон Республикаси Вазиpлар Маҳкамасынинг «Ўзбекистон Республикасындаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бeриш ишларини тартибга солиш» тўғрисидаги (2004) қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг жойларда ижросини таъминлаш мақсадыда топонимик объектларга ном бeриш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ва унинг вилoят ҳoқимликлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялари ташкил этилди. Ушбу комиссиянинг Фарғона вилoят бундича ташкил этилган ишчи гуруҳи аъзоси, ўлкашунoс олим, география фанлари доктори Ю.И.Ахмадалиевнинг мазкур қўлланмасы айни вақтда ёзилган рисоладир. Гарчи, топонимик объектларга эски тузум мафурасини эслатадиган, халқимиз тарихи ва миллий анъаналарига ёт бўлган номлар бeришга чек қўйилган бўлса-да, айрим ҳoлларда таҳририй, топонимика фани қоидаларига зид кeлувчи номларни бeриш ҳoлатлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Мазкур рисола ҳудудий комиссия аъзоларини, талабалар ва бошқа кизикувчиларни топонимик билимлар билан қуроллантириб юхоридаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам бeради, деган умид-дамиз.

**Ф.Т.ЗОХИДОВ,**  
Республика Маънавият тарғибот маркази  
Фарғона вилoят бундича раҳбари.

## К И Р И Ш

*Устозим, география илмининг  
билимдон, доцент Исомиёдин ака  
Абдуганиёвнинг ёрқин хотирасига  
бағишлайман.*

Бугунги кунда кишилар ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарларнинг номланишига, мавжуд номларнинг маъносига, тўғри айтилиши ва ёзилишига катта қизиқиш ҳамда эътибор билан қарамокдалар. Бир сўз билан айтганда халқимизнинг жойларга ном танлаш, яъни миллий топонимик маданияти қайта тикланмоқда. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов 2008 йилда чоп этилган "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида шундай ёзди: "Ҳолбуки, аждоқларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-ҳиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўямас, Кўкон, Қашқар дарвоза деган номлар авваломбор ўзининг аниқ тарихий-журофий маъноси билан ажралиб туради". Мазкур асарда юртимиз табиати ва халқимиз тарихига бегона бўлмаган, миллий тили билан ажралиб турувчи жой номларини кўпайтириш ушбу соҳалаги асосий вазифалар сифатида белгиланди. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан топонимика фанидан олинган билим кўникма ва малакаларга боғлиқдир.

Кишиларнинг кундалик ҳаётида доимо такрорланиб турадиган «Қаерда?» деган саволга турли хил географик ном ва атамаларни ишлатиш орқали жавоб берилади. Бу номлар шу қадар кўп тақрорий ишлатилади-ки, кишилар уларга кўникиб қоладилар. Фақатгина янги, айтилиши бошқача, сирли,

ғайриоддий географик номларни эшитганимизда ўйланиб қоламиз: Нега бу жой шундай номланган? Маъноси нима? Ким томонидан қўйилган? Қайси халқ тилидан олинган? Бошқа яна шундай ағалган жойлар борми? Бу каби саволларнинг барчасига география, тарих ва тилшунослик фанлари оралигида жойлашган топонимика фани жавоб беради. Топоним сўзи асли грекча, икки қисмдан *topos* – "жой" ва *onyma* – "ном" сўзларидан ташкил топган бўлиб, жой номлари ҳақдаги фанни англатади.

Топонимларнинг кишилар ҳаётидаги асосий, бош вазифаси манзилни (адресни) кўрсатиб беришдир. Манзил (адрес) – бирор киши ёки ташкилот ўрнашган жойнинг батафсил номидир. Демак, топонимлар бирор географик объектнинг жойлашган ўрнини ёки бировнинг яшайдиган жойини англатади. Манзилнинг ноғўри кўрсатилиши ёки бир хил номдаги манзилларнинг бир нечта бўлиши жамиятда кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқарган бўлар эди. Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти билан халқаро алоқалари, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ахборот алмашинуви кенгайиб бораётган даврда географик номларга бўлган эътибор янада ортиб кетди. Шунинг учун ҳам топонимик объектларга ном бериш, уларнинг аниқ, тўғри ёзиш катта амалий аҳамиятга эга.

Бундан ташқари топонимлар ўша жойнинг табиий-географик шароити, у ерда яшаган халқлар тарихи, этнологияси, ижтимоий ҳаётида юз берган муҳим воқеалар ҳақда қимматли маълумотлар беради. Бундай маълумотларни олиш учун топонимларнинг маъносини билишга илмий асосда ёндашиш, номларга мослаб тўқилган ривоят ва чўтқаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Биргина мисол келтирамиз, Фарғона водийсида *ёр* сўзи катнашган *ўндан* ортук қишлоқлар қайд этилган: *Ёрбоши, Ёржар, Ёрдон, Ёркўча, Ёрмовор, Ёртаги, Ёртепа, Ёрқач, Ёрқатой, Ёркўрсон, Ёркувар, Ёрмаҳалла, Кесканёр, Қўрганёр, Оқёр, Кўжёр, Ёркудук* каби. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг бу қўштирноқ ичидаги ёрлар ҳақда қанчадан-қанча ривоятлар тўқилган бўлиши мумкин. Бироқ, ёр сўзи ўзбек тилида "жар, ўйилган ер" деган маънони

бажариш кўп жихатдан вилоят ва туманларда тузилган топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштурувчи комиссия, унинг қошидаги ишчи гуруҳ фаолиятига боғлиқ. Бу комиссиянинг унумли ишлашида эса аъзоларнинг топонимика фанининг умумий қоидалари ҳамда Фарғона вилояти топонимлари билан таниш бўлиши аҳамиятлидир.

Шунинг учун қўлланмада жойларга ном беришда эътиборга олинishi лозим бўлган умумий топонимик қоидалар ҳамда вилоят кишлоқ ва маҳаллаларининг топонимик лугати киритилган. Лугатдан фойдаланиш тартиби куйидагича: дастлаб вилоятдаги сизга зарур кишлоқ ёки маҳалла номи қўлланманинг охирида берилган алфавит тартибдаги рўйхатдан топилади, сўнгра бу ном қўлланманинг нечанчи бетида берилганлиги, қайси туманда жойлашганлиги ва маъноси ўрганиб чиқилади. Борди-ю, айнан сизнинг кишлогингиз (маҳаллангиз) номи лугатда берилмаган бўлса, демак, бу топонимнинг маъноси бошқа жой номлари орқали очиб берилади. Масалан, *Тухлимарган* кишлоғи номи этимологиясини билиш учун *Тухли* билиш зарур. Тухли (Тўкли) ўзбекларда кўпроқ иккинчи фарзандга қуйиладиган исм бўлса, Мерган фақатгина “беҳато отадиган киши” эмас, балки уруғ номи ҳам бўлиши мумкинлигини билиб оласиз.

Мазкур қўлланма юқоридаги масъулиятли вазифани бажарувчи туманлардаги топонимик комиссия ишчи гуруҳи аъзоларига озроқ кўмак беради деган умиддамиз. Бундан ташқари, қўлланмадан олий ўқув юртида топонимика фани ўқитиладиган география, шунингдек, ўзбек тили ва адабиёти, тарих йўналишларида тахсил олаётган талабалар ҳамда барча кизикувчилар фойдаланишлари мумкин.

Ушбу қўлланма муаллифнинг кўп йиллик кузатишлари, вилоят топонимик харитасини тахлил этиш, шу соҳадаги илмий адабиётлар билан танишининг махсули сифатида яратилди. Қўлланма ҳақдаги ҳар қандай фикрлар муаллиф томонидан бажонидил қабул қилинади.

билдиришини билган кишигина бу ривоятларнинг биронтасига ишонмайди, номнинг хақиқий маъносини билишга кизиқади.

Топонимлар миллий тилининг таркибий қисмидир. Ҳар бир миллат ўз тили бойлигини сақлашга, уни соф ҳолда авлодларга етказишга, жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига ҳаракат қилади. Халқнинг мустақиллиги кўлдан кетса, унинг тилига ҳам таъовуз бошланади, шунингдек жой номлари ҳам тўхтовсиз ўзгартрилади. Бу ҳақда мустақиллигимиз учун курашган, Андижон қўзғалонининг раҳбари Мухаммадали халфа Собир ўғли – Дукчи Эшон халқка қилган мурожаатида шундай деган эди: “Урус Ватанимизга истило эди. Сўнгра тилимизга истило қилди... Кубони – Федченко, Марғилонни – Гурчақоф, Симни – Искобилиф, Бағдодни – Серова, Қонибодомни – Милликуф деб ҳамма шахарларимизга бирор ўрис генералларнинг исмининг тақди” (А.Эгамназаров, 1994). Шижоатли ҳамюртимизнинг ниятлари мустақиллигимиз туфайлигина ижобат бўлди. Бу масалада бепарволликка йўл қўйиб бўлмаслигига қақириб, мустақилликкача бўлган даврда қўйилган баъзи географик номларнинг сақланиб қолаётганлигига ачинаиб шоир Мухаммад Юсуф қуйидаги сатрларни ёзган эди:

*Қандай алам отимизни қўйса ёсар*

*Марғилонлар қаердаю Гарчақоғлар?*

*Бизни азал буқолмаган бу синовлар,*

*Милгетепани атайлик ўз номи билан,*

*Ҳар қим ўзи қўйсин от ўз неъматига,*

*Мард ястанмас Дукчи эшон хўрматига,*

*Ҳеч бўлмаса Дукчи эшон хўрматига,*

*Милгетепани атайлик ўз номи билан.*

Бутун мамлакатда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам кўплаб жой номлари ўз халқий, миллатимиз манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўзгартрилди. Уларни илмий асосда ўрганиш, маъносини англаш, топонимик хариталарни тузиш, такрорий (адаш) номлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик, тўғри ёзиш, кўрсаткичлар билан тэъминлаш, келажак авлодлар учун асраб қолиш бугунги кунимизнинг асосий вазифаларидан бирита айланди. Ушбу масъулиятли вазифани мукаммал

## ТОПОНИМИКА ФАНИ – АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Атрофимизни ўраб турган денгиз, дарё, кўл, канал, сув омбори, тоғ, адир, гор ёки чўл, шаҳар, кишлоқ ёки улардаги кўча, майдон, маҳалла каби барча географик объектлар ўз номига эга. Мазкур географик номлар-топоним деб аталиб, уларнинг маълум географик ҳудуддаги йиғиндиси топонимия дейилади. Географик номларнинг пайдо бўлиши ёки яратилиш қонуниятларини, ривожланиши ва қайта номланишини, этимологияси ва грамматик хусусиятларини, тузилиши, аталаш сабабларини ўрганувчи фан – топонимика деб аталади. Географик номлар яъни топонимларни тилшуносликнинг алоҳида бўлими ономастика (грекча “ном кўйиш санъати”) бошқа атоқли отлар – кишилар исми, осмон жисмлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг номлари билан биргаликда ўрғанади.

Топонимика фанининг асосий йўналишларини белгилашда жой номларининг қандай географик объектларга берилганлиги асос қилиб олинган. Бу ҳолат топонимиканинг география фанлари тизимида мустақкам, алоҳида ўрин эгаллашини кўрсатади.

Топонимиканинг энг катта тармоғи аҳоли масканлари номларини ўрганувчи соҳа – *ойконимика* (юнонча, ойкос – уй, турар жой, макон) деб аталади. Ойконимлар таркибига шаҳар, кишлоқ, шаҳарча, овул, маҳалла, гузар, кўчалар кириб, жой номлари орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган гуруҳни ташкил этади. Бу номлар жойнинг табиий ва иқтисодий географик шароити, фойдала қазилмалари, аҳолисининг миллий-этник таркиби, қасб-хунари, тарихда кўз берган муҳим воқеа ва ҳодисалар ҳақда бағафсил маълумот беради. Ушбу гуруҳга қирувчи топонимлар таркибида кишиларнинг исм-фамилияси, жамиятнинг гоъвий қарашлари билан боғлиқ бўлган топонимлар кўп учрайди. Фарғона вилоятда ўрганиб чиқилган 943 та кишлоқ ва маҳалла номларининг 12 фоизи кишилар номи билан аталган *антропонимлар*дир.

Вилоят ва туманларда тузилган топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия, унинг қошидаги ишчи гуруҳлар ҳам асосан ойконимлар, уларнинг номланиш хусусиятлари, номлар этимологияси, номлаш ва қайта номлаш масалалари билан шуғулланади.

Дунёдаги сувлик билан боғлиқ бўлган географик объектлар-гидроним (юнонча, гидро – сув, намлик ва оним – ном, исм) деб аталади. Табиий ҳолдаги ва инсон кўли билан яратилган ҳар қандай сув хавзалари, жумладан, океанлар, денгизлар, кўлтиқлар, бўғозлар, дарёлар, сойлар, каналлар, кўллар, сув омборлар, кудуқлар, булоқларга қўйилган атоқли отлар гидронимлардир. Гидронимларнинг вужудга келиши, қайта ўзгариши ва бошқа объектларга берилиш қонуниятларини ўрганувчи топонимика фанининг тармоғи *Гидронимика* деб юритилади. Бу фанининг оқар сув объектлари яъни дарё, сой, ирмоқ, жилга, арик, канал номларини ўрганувчи тармоғи-*лотоним* (юнонча погамас – дарё), кўл, сув омбор, ховуз ва кудуқ каби окмас сув хавзаларининг ўрганувчи тармоғи – *лимниол* (юнонча, лимне – кўл), денгизлар, кўлтиқлар, бўғозлар билан боғлиқ номларни ўрганувчи соҳа эса *мелагоним* (юнонча, мелагос – денгиз) деб номланади.

Фарғона вилояти топонимиясида сувга алоқадор бўлган жой номлари кенг тарқалган. Вилоятдаги мавжуд ўн олтига маъмурий туманлардан бештаси *Беширик*, *Олтиарик*, *Сўх*, *Учқўйрик*, *Қувасой* қабилар гидронимлардан олинганлигини қайд этиш мумкин.

Ер юзасида рельефга оид бўлган жой номлари мажмуази *ороним* (юнонча, орос – тоғ, онима – ном, исм) деб аталади. Топонимикада оронимларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш қонуниятларини ўрғанадиган кичик соҳа *оронимика* деб юритилади. Бундан ташқари вилоятда адир, жар, тепа, тоғ, тош атачалари катнашган жой номлари кенг тарқалган. Энг кўп учрайдиган термин *тепа* вилоят топонимлари орасида ўттиз марта такрорланади. Жумладан, *Азизтепа*, *Арабтепа*, *Арзиктепа*, *Гўртепа*, *Зиндонтепа*, *Қитконтепа*, *Оҳтепасой*, *Симтепа*, *Собарттепа*, *Сочтепа* (*Чочтепа*), *Тепалиқ*, *Тепатағи*,

*Тепа Жаюер, Тиллотена, Тоштена, Тошлоқтена, Шаҳартена, Шўртена, Қисилтена, Қоратена, Қорозултена, Қумтена* каби.

Топонимлар турли хил катгалликдаги географик объектлар номларини ўзида мужассамлаштиради. Шу хусусиятта кўра улар макротопонимлар (макро – катта) ва микротопонимларга (микро – кичик) бўлинади.

*Макротопонимларга* йirik географик объектлар- океан ва денгизлар, китъалар ва мтериклар, дарёлар ва тоғлар, мамлакатлар ва ўлкалар ҳамда шаҳарларнинг номлари киради. Дунёнинг табиий ва сибсий херитасига киритилиши мумкин бўлган юқоридаги объектлар каторига Атлантика ёки Тинч океани, Орол ёки Қора денгизи, Европа ёки Осиё китъалари, Амударё ёки Сирдарё, Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, Тошкент ёки Фаргона шаҳарлари киритилиши мумкин. Тарихий даврларда қадимийлиги, узок вақт сақланиб қолиши ва кам ўзгариши макротопонимларга хос бўлган асосий хусусиятлардан биридир.

*Микротопонимлар* ўзида жар, тепалик, кир, булок, кудук, ховуз, жилга, сой, арик, дала, дашт, ўтлок маҳалла, гузар, кўча сингари майда географик объект номларининг атоқли отларини ўзида мужассамлаштиради. Фаргона вилоятинда бундай номлар каторига *Гузар, Гулҳовуз, Даштмаҳалла, Жарариқ, Жийдаариқ, Жуманкудук, Молҳовуз, Оқтена, Пасткўча, Сөөрбулоқ, Тошлоқдала, Қизилқоҳир, Қоратена, Қумбулоқ, Қурқсой, Қумариқ, Юқори Арча, Юқоримаҳалла, Юқорикўча* номларни киритиш мумкин. Микротопонимлар тилда узлуксиз пайдо бўлиши ва тез-тез алманиб, ўзгариб туриши билан макротопонимлардан фарқ қилади.

Фаргона водийсидаги географик номлар тўғрисида энг қадимги маълумотлар милоддан аввалги даврлардан маълум бўлсада, дастлабки ёзма манба сифатида номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Худуд ал-олам» (X аср) асарини келтириш мумкин. Бу асарда Фаргона водийсидаги *Фаргона, Ахсикент, Сўх, Кубо (Қува), Уи, Ўзган* каби аҳоли масканлари ҳақдаги дастлабки маълумотлар берилган.

Араб географлари ва сайёҳи Мукаддасий (Шамсиддин Абу Абдуллох Мухаммад ибн Аҳмад) Фаргона водийси топонимикаси ҳақда тўлиқроқ маълумот берган. Мукаддасий маълумотларига кўра, Фарғонада *Ахсикат, Ўзган, Уи, Кубо (Қува), Марғинон, Рашитон, Косон, Боб (Поп), Ашт, Авагл, Андўкон (Андўжон), Хўқанд (Кўжон)* каби 40 та шаҳар ҳамда жоме масжидли кишлоқларни санаб ўтади.

Абу Райҳон Беруний жой номлари тарихининг тўғри ёзилишига астойдил қизиққан. Унинг “Хиндистон”, “Қонуни Маъсудий”, “Сайдана” асарларида топонимикага оид қонуниятлар, Ўрта Осиёдаги жой номлари ва уларнинг изоҳи ҳақдаги кўплаб маълумотлар баён этилган. “Юнонлар ва араблар туркий сўзларни бузиб ўз талаффузларига мослаб ишлатганликлари дастидан сўзларнинг маънолари ўзгариб кетган”, – деб ёзади Беруний. Тош сўзи (асли) туркийча ном бўлиб, Шош кўринишини олган. Тошқанд – Тошлок кишлоқ демакдир деб таърифлайди. Беруний ўзининг “Сайдана” асарини 400 дан ортик кишлоқ, тоғ, дарё, шаҳар ва ороллар номини, “Қонуни Маъсудий” китобини 600 дан ортик жой номларини тилга олган. Шундан 85 таси Ўрта Осиё ва Хуросон хулудига тегиллидир.

Машхур тилшунос ва сайёҳ олим Махмуд Қошғарийнинг «Девони лугати турк» асари ҳам жой номларини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Асарга илова қилинган дунё картасидаги юзга яқин номлардан ташқари, матинда 82 та кишлоқ ва шаҳар номи, 68 та мамлакат, вилоят, ўлка номлари, 25та денгиз, кўл, дарё, сой номлари келтирилган, уларга географик ва этимологик изоҳлар берилган. Фаргона водийсининг *Хўжанд, Кубо, Косон, Марғинон* шаҳарлари ҳақда маълумот берилиши билан бирга, уруғ-қабилла номлари ва географияга оид турли хил халқ атамаларининг топонимлар таркибидаги ишлатилиши ҳақда қимматли маълумотлар берилган. Водий рельефи ва табиий шароити учун хос бўлган орт, сирт, ёр, кайир, довон, ёз-ёзи, дашт, балик, шаҳар каби атамалар биринчи марта «Девони лугати турк» асаринида кайд этилган. «Жар» сўзининг «ёр», «яр» шаклида талаффуз этилишидан Фаргона водийсида *Ёрбалии, Ёртеле, Ёрқотой, Ёркин, Ёрқимлоқ, Ёрқўрғон, Оқёр, Қуйсанёр,*

Кўхер, Ёртаги, Ёрқўча каби жойлари вужудга келганлиги маъмур асарда биринчи марта таъкидланган.

Захириддин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари ҳам топонимика фанини шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга. "Бобурнома" да XV-XVI асрларда Фарғона водийсидаги жой номлари, уларнинг ўша даврдаги талаффузи ва ёзилиши берилган. Масалан, Марғион - Марғилон, Ўзганд - Ўзган, Кубо - Кува, Хўкон - Қўкон, Рушдон - Риштон, Сайхун - Хўжанд суфи ёки Сир суфи - Сирдарё ва ҳокazo. Асарда тилга олган кўплаб географик атамалар топонимларнинг келиб чиқishiни аниқлашда ва ўзбекча миллий терминологияни ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга. Масалан: банд - тўғон ёки "бекат", жазир - орол, жангал - ўрмон, қўл - дарё тармоғи, танги - тор, дара қуруқ ёки сувсиз қўл - сойлик, парча тоғ - қолдик тоғ, татоб - ўзан, тўқай - дарё муқолиши, ушок тоғлар - паст тоғлар, яйлок - яйлов, обгир - ботқоқлик, касаба - шахарча, пушта - тепалик, қўруқ - қўриқхона, учма - тик ёнбағир, ёз - баҳор, ёзи - дала, обшор - шаршара ва бошқалар.

Н.Охунов "Бобурнома"да учрайдиган жой номларини турли гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкинлигини таъкидлайди. Аҳоли масканлари номларини билдирувчи топонимлар сифатида мамлакатлар, шаҳарлар, сарой ва кўшқлар, қалъа ва қўрғонлар номлари, оронимлар сифатида тоғ, дара, доvon, гор номлари, гидронимлардан дарё, сой, қўл, булок, чашма, ховуз, ариқ номлари келтирилганлиги диққатга сазовордир.

Ўзбекистон, жумладан Фарғона водийси топонимикасига оид дастлабки асарлардан бири С.Қораевнинг таъкидлашчи венгриялик олим Арминий Вамберинг (1832-1913) Ўрта Осиёга махфий саёхати маъсули бўлмиш "Марказий Осиёнинг географик номлари" (немис тилида) деб аталган асаридир. Асарнинг лугат қисмида 600 га яқин географик ном ва атамалар алифбо тартибда берилган. С.Қораев географик номлар изоҳларида хатolikлар ҳам учрайди деб, Андижон - онг, қасам ва жон, жондай иноқлик, деган маънони билдиради деган изоҳларга шубҳа билдиради. Бирок бизнинг тадқиқотларимиз бу изоҳ хақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Чунки Андижон

атрофида, ўз даврида характерли бўлган ўғил болаларнинг дўст тутиниши яъни «анди» бўлиш одати бўлган. Бу одат бўйича бир-бирларига совға-салом бериб дўст тутинган ўғил болалар кариндошлардан ҳам яқин бўлиб, бир-жону бир тан ҳисобланганлар. Бундай дўстлар ўлим хавф солиб турганда ҳам дўстни кутқаришга қасам, онг ичиши лозим бўлган. У ерда яшаган аҳолининг оилавий алоқаларида бошқалардан ажрallиб турган белгиси -бу ўғил болаларнинг «анди» бўлиб дўст тутиниш одати бўлган. Топоним шу одаддан олинган бўлиши мумкин.

Топонимлар орасида халқ, уруғ-қабилла номлари Фарғона водийсида ҳам кўпчиликни ташкил этиши ҳисобга олинса, Абулғози Баходирхоннинг "Шажарайи турк" асари катта қимматга эга. Асарда мингдан ортiк номлар ҳақда маълумот берилган.

Фарғона водийси топонимиясини тадқиқ қилишга киришишда В.В.Бартольд, С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов, Б.А.Ахмедов, А.Р.Мухаммаджонов, Э.М. Мурзаев, Х. Хасанов, С. Қораев, С.Губаева, Н.Охунов каби олимларнинг асарлари билан танишиш кутилган нагжани беради.

Ўзбекистонда топонимика фанининг ва географик атамашуносликнинг ривожланишида профессор Х.Хасановнинг хизматлари катта. Олимнинг "Географик номлари имлоси" (1962), "Ўрта Осиё жой номлари тарихидан" (1965), "Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар" (1964), "География атамалари лугати" (1966), "Ер тили" (1977), "Сайёҳ олимлар" (1981), "Географик номлар сирин" (1985) каби асарларида, кўплаб рисола ва мақолаларида жой номларини изоҳи, имлоси ва келиб чиқиши ҳақда қизиқарли маълумотлар берилган.

Республикамызда топонимика фанининг ривожланишида география фанлари доктори, профессор С.Қораевнинг алоҳида ўрни бор. Олимнинг "Топонимика" (1970), "Географик номлар маъносини биласизми?" (1970), "Географик номлар маъноси" (1978), "Этнотопонимика" (1979), "Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар лугати" (2001), "Ўзбекистон вилоятлари топонимлари" (2005), "Топонимика"

(2006) каби асарларида Фарғона вилоятига оид бўлган жой номлари ҳақда етарлича маълумотлар берилган.

Фарғона vodiysi, шунингдек вилоят топонимиясини ўрганишда этнонимларни (халқ, уруғ-қабил аномлари билан аталадиган жой номларини) билиш зарур шартлардан биридир. Мазкур соҳадаги билимларни С.С.Губаеванинг "Этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX в. (1983) ҳамда К.Ш. Шаниязовнинг "К этнической истории узбекского народа" (1971) асарларидан олиш мумкин.

Фарғона вилояти топонимикасини ўрганишда асосий қўлланмалар сифатида Н.Охуновнинг "Антропотопонимика нима?" (1984), "Жойлар ва номлар" (1986), "Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари" (1989), "Ўзбекистон топонимияси" (2005), "Муқаддас кадамжойлар" (2005) каби асарларини тавсия этиш ўриллидир. Шу ҳолатни таъкидлаш лозимки, бу олимнинг топонимиканинг назарий масалалари бўйича чиқарган хулосалари ҳам вилоят топонимларини чуқур илмий таҳлили асосида чиқарилган.

Республикамазда топонимика фанининг ривожланишида жанубий Ўзбекистон топонимияси бўйича мутахассис Т.Нафасовнинг хизматлари катта. Унинг "Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати" (19115), "Қишлоғингиз нега шундай аталади" (1989) деб номланган асарлари ниҳоятда қимматлидир. Хоразм воҳаси топонимияси бўйича тадқиқотлар олиб бораётган олим З.Дўсимовнинг, географик терминология бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган М. Миракмаловнинг ишлари ҳам диққатга сазавордир.

## ТОПОНИМЛАР ПАЙДО БЎЛИШИНING ГЕОГРАФИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Хар бир фанининг асосий ўрганиш объекти бўлиши ва бу объектни чуқур хар томонлама таҳлил қилиниши натижасида мазкур фанининг ривожланиши ва жамиятдаги ўрни белгиланади. Математикада бундай объект-сонлар, физикада – жисмлар, кимёда-элементлар, тарихда-йиллар, тилшунослиқда-сўзлар бўлса географияда бундай объект вазифасини географик номлар яъни топонимлар бажаради. География фани Страбондан бошлаб хозирги кунга қадар-қаерда? деган саволга жавоб бериб келмоқда. Денгиз ва дарёлар, тоғ ёки текисликлар, мамлакат ва шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллалар ўз номига эга. Ер юзасидаги миллионлаб географик объектларнинг ҳудудий жойлашган ўрни, манзили шу номлар орқали аниқланади, харитага туширилади, у ерларда юз берган воқеа ва ҳодисалар ҳақда маълумот берилади.

География таълими тизимида юз берган иккита ўзига хос ҳолат бу фани ўрганишда жой номларига яъни топонимларга алоҳида эътибор бериш заруратини келтириб чиқарди.

Биринчидан, республикамизнинг мустақилликка эришиб жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий, сийсий, маданий алоқаларини кенгайиб бориши оқибатида кундалик ахборотлар тизимидан юзлаб, ҳатто минглаб олдин номмаълум бўлган ёки кам ишлатилган географик номларнинг ўрин олиши;

Иккинчидан, республикамазда мустақил ҳудудий, географик сийсат юритила бошланиши муносабати билан барча вилоят ва туманларнинг географик номлари янда чуқурроқ ўрганилиб, география таълими тизимида торттилиши кузатилмақда. Шундай қилиб, жой номларини географиянинг ўзига хос тили деб атасак, хозирги даврда бу тилни кенгайиб, доимо янгилаиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Топонимларнинг тарихан пайдо бўлиши ҳамда жойларга ном беришда бир қанча географик қонуниятлар ва тамойилларга амал қилинади. Бугунги кунда бу қонуният ва тамойилларни

пухта ўзлаштириш кишлоқ, маҳалла ва кўчаларга ном бериш ва уларни қайта номлашда фойдалидир.

Топонимлар пайдо бўлишида биринчи ва энг кенг тарқалган тамойил аҳоли маскани жойлашган худуднинг *табiiй географик хусусиятини* эътиборга олинишидир. Бунда жойнинг хусусиятини ақс эттирувчи умумий географик тушунча ҳамда ибораларнинг *конкретлиги ва индивидуаллиги* конунияти юз беради. Масалан, “жар” сўзи табiiй географик термин сифатида “ўйилган, салбий рельефга эга бўлган жой” маъносини билдирувчи турдош от бўлса, унинг муайян бир объектга боғланиши натижасида топоним ясалади. Вилоятдаги *Аноржар, Жарарик, Жарбоши, Жарқиллоқ, Жарқўрғон, Оқжар* каби жой номлари ушбу конуният асосида вужудга келган. Шу ўринда Фарғона, Марғилон, Кўкон каби номлар этимологиясида ҳам жойнинг табiiй географик хусусиятини билдирувчи изоҳлар асосий ўринни эгаллашни таъкидлаш мумкин.

Фарғона топонимининг этимологияси тўғрисида жуда кўп фикрлар бор. Санскрит тилида паркани, форс - тожик тилидаги паркана (бир томони очик, атрофи тоғ билан ўралган водий) сўзидан ном олган дейиш ҳақиқатга яқин. Марғилон - топоними тадқиқотчилар фикрича, Марғилон форс тилидаги Марғ “ўтлоқ” ёки Марғи “ўтлоқда яшовчи” сўзи билан алоқадор бўлса, Кўкон асли «Хуканд бўлиб, «Шамол шаҳри, сершамол шаҳар» деб изоҳланади.

Топонимларга ном беришда, яъни топоним ясашда *нисбий негативлик* деб аталган географик конуниятдан ҳам фойдаланилади. Бу конуниятга кўра бирор жойга ном беришда шу худуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат эътиборини тортадиган табiiй ва ижтимоий объектлар танлаб олинади. Масалан, чўл зонасида чўл, тоғли худудларда тоғ, пахта кўп экмладиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди. Шунинг учун кишилар юқоридаги каби жойларга ном қўйишда бошқалардан қандайдир хусусияти билан фарқ қилиб турган географик объектларни қидиришади. Фарғона вилоятининг текис чўлли худудларида тепалик ёки сув бор жойлар кишилар эътиборини тортади. Юқорида таъкидланганидек, вилоятнинг рельефи текислик бўлган

худудларида тела сўзи катнашган ўттиздан ортик жой номлари қайд этилиши мазкур конуният натижасидир.

Сув билан боғлиқ топонимлар таркибида анхор (қақир), арик, булоқ, жўй, кўл, машат, об, сой, кудук, иборалари кенг тарқалади. *Беширик, Олтиарик, Оқарик, Соғурбулоқ, Тошбулоқ, Қанарбулоқ, Қиёқбулоқ, Болтакўл, Дамкўл, Кувасой* шулар жумласидандир. Чор-атроф чўл ёки пахта майдонлари билан копланган худудларда дарахтлар ҳам кишилар диққатини торттиши шубҳасиз, вилоятда *Беғизор, Бодомзор, Дўланзор, Қайрағочзор, Мевазор, Нокзор, Олмазор, Олчазор, Теракзор, Тоғзор, Тоғзор, Тумзор, Узумзор, Урикзор, Чаманзор, Чилонзор, Шафтолизор* каби кишлоқ ва маҳаллалар номи ҳам мазкур конуният асосида яратилган.

Вилоятда кенг тарқалган ўсимлик ва ҳайвонот олами номи билан боғлиқ номлар ҳам анчагина учрайди, жумладан, *Бешитерак, Бурамамут, Жийдақиллоқ, Мингчинор, Теракмор, Тоғмороз, Чекиўра, Яқсамут, Қайроғоч, Қоражсида, Башиқчи, Бурбалик, Лайлак, Қолмонқир каби*. Бироқ бу номларни ҳам ҳар доим ўз маъносиде тушуниш тўғри бўлавермайди. Чунки бу номлар кўчма маънода ишлатилган бўлиши, уруғ ёки қабила номини англатиши мумкин.

Жойларга ном беришда қўлланалган яна бир тамойил мазкур кишлоқ ёки маҳаллада яшаб ўтган ёки уни ободонлаштиришда хизмат қилган обрў-эътиборли инсонларни номларини шу масканга қўйишдир. Шу ўринда айтиб ўтиш лозим, ислом динида жой номларига кишилар исмини қўйиш одати бўлмаган. Француз ёзувчиси Виктор Гюго Париж шаҳри номи менинг шарафимга ўзгартрилиши лозим деб даъво қилган бўлса, бизнинг ватандошларимиз ўз ватанлари номини исмларига қўшиб (Фарғоний, Марғилоний, Термизий, Хоразмий каби) юрт довруғини оламга ёйишни афзал кўрганлар. Шунинг учун кўча ва маҳаллаларга ном беришда кишилар исми ва фамилияларидан фойдаланиш вақт ўтиши билан қайта номлаш жараёнини содир бўлишига сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Аҳоли масканларини шу ерда яшаган уруғ-қабила, элат номи билан аташ кенг тарқалган. Вилоятдаги топонимлар орасида уруғ-қабила номларини билдирувчи *Айрончи, Бешбола, Бешката, Бужсай, Дурман, Жалойр, Галаботир, Кенасас, Минг,*

*Найман, Кангли Уйгур, Қашқар, Қурма, Кўнгирот* каби номлар кўп такрорланади. Базан топоним таркибидagi бир элемент этноним бўлиши кузатилади. *Арабон, Араббанд, Араблар, Арабмозор, Арабхона, Арабқиллоқ, Арабқўрғонча, Аравон, Янги Араб, Эски Араб, Арабек, Арабтўти, Араб маҳалла* каби кишлоklar номи араб халқи номи билан боғлиқлар.

Маҳалла ва кўчаларга ном беришда амал қилинадиган навбатдаги тамойил кўча ёки маҳаллада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ва савдо объектларининг борлигидир. Вилоятда тўқувчилик, *(Астарбод, Басмалбод, Йўртабўз)* хунармандчилик, *(Қудолон, Қосғарон, Кўнчи, Пичоқчи, Тандирчи, Уқчи)*, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши *(Дехқонобод, Меҳнатобод, Пахтакор, Бодомзор, Бектўр)* қайта ишловчи маҳаллий sanoat тармоқлари *(Тўлжувоз Хумдон, Кўштегирмон)* номи билан аталувчи ҳамда савдога алоқадор *(Бозорбоши, Бозорайлан, Ёбтўри, Сарбозорча, Устабозор, Янгибозор)* номлар кўп учраган. Бундай номларни манзилтохни кўрсатишдан ташқари дараклик (индикаторлик) вазифасини ҳам бажаришини хисобга олиб, жойларга ном бериш жараёнида кўпроқ масканларга тавсия этиш мақсада мувофиқ.

Айтиш лозимки, топонимлар орасида жуда катта қисмини гоаянй номлар ташкил этади, бироқ географик тамойиллар асосида яратилган топонимлар бир қанча афзалликларга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Биринчидан, бу номлар жамиятда тез тез ўзгартрилимади, узок вақт сакланиб туради, маблагларни тежаллишига сабаб бўлади; иккинчидан, жойнинг ҳозирги кунда ўзгариб, унутилиб кетган табиий ва иктисодий географик хусусиятлари, аҳолисининг этник таркиби, дастлабки ландшафти ҳақда қиммагли маълумот беради; учинчидан, жой номларининг бош вазифаси, манзилни аниқлаб бериш функциясини тўла бажаришга имкон яратади, сабаби номлашда кўча ёки маҳалладаги асосий иктисодий-ижтимоий объектга мўлжал олиниб, топонимни даракчилик хусусияти намойён этилади.

Юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиб вилоят ва туманларда тузилган топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия, унинг қошидаги ишчи гуруҳ аъзоларига жойларга ном танлашда кўпроқ табиий ва географик объектларга аҳамият беришларини тавсия этиш лозим.

## ТОПОНИМИКА ВА ТИЛШУНОСЛИК

Географик номлар тил лугат таркибининг алоҳида қисми бўлиб, тил қонуниятларига бўйсунган ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. Шунинг учун топонимларни тилшунослик — лингвистика фани ўрғанади. Демак, топонимика атоқли отларни ўрғанадиган ономастика фанининг бир қисми бўлиб, бир вақтнинг ўзида тилшунослик фанлари каторига ҳам киради.

Топонимлар пайдо бўлишининг умумий лингвистик қонуниятларини С.Қораев (2006) батафсил тушунтириб беради. Топонимлар атоқли отлар бўлиб, улар тил тараккиётининг қиёсан кейинги босқичларида турдош отлар (апеллятивлар)дан келиб чиққан. Қадимий тилларда атоқли отлар бўлмаган, қандайдир сўз бирикмалари атоқли отлар вазифасини бажарган. Ана шундай сўз бирикмалари тобора турғун шакл олади. Одамлар теварак-атрофидаги ўзларига таниш хулуддаги жойларни "Балик тутиладиган кўл", "Сел келадиган сойлик" каби бутун бир гаплардан иборат сўз бирикмалари билан атайдилар. Конкрет географик объектларни ифодалайдиган бундай сўз бирикмалари ва турдош отлар кўп бўлмаганидан бора-бора атоқли отларга айланади. Географик номларнинг пайдо бўлиши умумий тушунчанинг конкретлашиши ва индивидуаллашиши натижасида юз беради. Турдош отлар ана шу йўл билан топонимлашади, яъни топонимларга айланади.

Географик номлар турдош отлар лексикасидан ажралиб чиққан пайтдан бошлаб ўзи ифодалаган географик объектнинг белгиларидан узоқлаша боради. Топонимлар нутқда шу объектнинг бошқалардан фарқли нишонларини таъкидлашга эмас, балки конкрет объектни бошқалардан ажратишга кўрсатишга хизмат қилади. Топонимга айланган сўз янги маъно касб этади, энди бу сўз конкрет, ягона, янги бир тушунчага айланади.

Географик номлар кўпинча географик объектни ифодалайдиган тушунчадан бошқа маъно англатмай қўяди. Масалан, *Лангар* - Охунбобоев туманидаги кишлоқ номи. *Ўзбек* тилида лангар деганда кемани бир жойда тўхтаб туриши учун

занжирга бириктириб сувга ташланадиган чангаксимон темир ёки мувозанатни сақлаш учун дорвоз кўлида тутиб турадиган таёқ тушунилади. Лангар топоними эса Марказий Осиёдаги жой номлари таркибидан кўп учрайди. Бу сўзнинг асл маъноси «тўхташ» бўлган ва турли жойларда, замонларда шунга яқин маъноларни билдирган. Қадимги ёзма манбаларда ва кейинги топонимик номлар таркибидан «бекат ва тўхташ жойи» маъносидан ишлатилган. С.Қораев (2005) шундай ҳолатни Чоршанба қишлоғи ҳақда келтиради. Чоршанба қишлоғининг нега шундай аталганлиги тўғрисида кўпчилик ўйламайди, унинг касрда, қайси туманда, қандай қишлоқ эканлиги қизиқроқ. Бу қишлоқда чоршанба кунни бозор бўлганлиги учун шундай номланганлигини кўпчилик билмайди ҳам. Сўзнинг олатдаги маъносидан узоқлашиши ва муайян объект билан боғлиқ конкрет, индивидуал тасаввурнинг пайдо бўлиши топонимлаштириш жараёни ҳисобланади.

Географик номларнинг топонимлаштириш даражаси турлича бўлиб, баъзи бир топонимларда сўзларнинг топонимга айланмасдан олдинги маъноси аниқ билиниб туради, бошқа бир хил топонимларда қисман сакланиб қолган, учинчи бир хил номларда умуман йўқолиб кетган бўлиши мумкин. Топонимлар таркибидан иккинчи ва учинчи гуруҳга кирувчи, маъноси тушунарсиз, этимологик жиҳатдан изоҳлашни талаб қиладиган географик номлар кўп учрайди. Бу ҳолат умумий тилшунослик фанига оид бир қатор қонуниятлардан фойдаланиб, улар этимологиясининг очиқ бериш заруратини келтириб чиқаради.

Топонимларни изоҳлаш учун фойдаланиладиган дастлабки усул топонимлар усулидир. Формант (лотинча форманс – ҳосил қилувчи) деб, сўз асайдиган, лекин мустақил ўзи ишлатилмайдиган унсурларга айтилади. Топонимларни формантларга қараб ўрганиш соҳасида кейинги ўн йилликларда катта ишлар қилинди. Бу усулда номлар таркибидан кўп қабатли элементлар бир хил маънони аниқлаштиришга ёрдам беради. Фарғона вилоятида ҳам топонимлар таркибидан энг кўп келадиган аффикслар (топонимларга) қараб топонимларни этимологиясини очиқ бериш мумкин.

Топонимикада – зор аффикси билан ифодаланган топонимлар маълум ўсимлик турини бир ҳудудда кўп тарқалганини билдиради. Вилоятда *Анжирзор*, *Бодомзор*, *Гулзор*, *Дўлқазор*, *Қайрағочзор*, *Кўкаламзор*, *Кўчазор*, *Лимонзор*, *Лалазор*, *Мевазор*, *Нокзор*, *Олмазор*, *Олчазор*, *Теракзор*, *Тоғзор*, *Толзор*, *Туззор*, *Узумзор*, *Ўрикзор*, *Чаманзор*, *Чилонзор*, *Шафтоқилзор*, *Юлғинзор* каби қишлоқ ва маҳаллалар номи қайд этилади. Бу номлардан Бехизор ва Мевазор Фарғона вилояти топонимик харитасида 3 мартадан, Узумзор 5 марта, Бодомзор 7 марта, Гулзор, Олмазор, Ўрикзор 10 мартадан такрорланади.

Фарғонада -кат, -кент аффикси қатнашган *Заркент*, *Навкат*, *Тошкент*, *Чимкент* каби қишлоқ номлари кент тарқалган. Бу аффикс қишлоқ, шаҳар ёки аҳоли масканига нисбатан ишлатилиб, аҳоли яшайдаган масканларнинг янгилигини, тупроқ таркибинини ифодалаши мумкин.

Топонимикада – обод аффикси қатнашган топонимлар сони энг кўп тарқалган. Обод сўзи тожикча об-суб, обод-сувли, сув етарли жой деган маънони билдиради. Бу сўз шаҳар, қишлоқ, умуман, аҳоли манзилгоҳларига нисбатан ишлатилади. Асосий маъноси «гуллаган» демакдир. Вилоятда «обод» аффиксининг кишилар исмига қўйилишидан *Азимобод*, *Бекмирзаобод*, *Ғаниобод*, *Зафаробод*, *Испомобод*, *Йўлдошобод*, *Матқуллобод*, *Мирзаобод*, *Сатторобод*, *Солтқонобод*, *Усмонобод*, *Хайдаробод*, *Қайғубод* каби қишлоқ номлари яратилган бўлса, кишиларнинг амали, мансаби касб-коридан келиб чиқиб *Амиробод*, *Бекобод*, *Султонобод*, *Хонобод* номлари яратилганлигини кўриш мумкин. Вилоятимиздаги қишлоқ ва маҳалла номлари орасида Бегобод олти марта такрорланади.

Топонимикада - хона сўзининг функцияси кент. Бирор халқ ёки қабила - уруғ яшайдиган қишлоқ номларига ҳам хона сўзи қўшилган. Зарафшон ва Фарғона водийсида араблар яшайдиган *Арабхона* деган қишлоқлар бўлса, бу аффиксни ўзбек уруғлари яшайдиган қишлоқ номларига ҳам қўйилишидан *Баҳрияхона*, *Дўрмонхона* топонимлари ясалган. Хона қўшимчаси "бирор нарса кўп" деган маънони ҳам аниқлатади. *Бўрихона*-

"Бўри кўп жой", *Жайрақона* - "Жайра кўп жой", *Каптархона* - "Каптар кўп жой" каби.

Фаргона вилоятида -чи (*Бугдойчи*, *Бўтқаччи*, *Карнайчи*, *Кўмирчи*, *Сандиқчи*, *Инакчи*, *Ўқчи*, *Овчи*, *Қишчи*, *Кўчқорчи*) -кор (*Пахтакор*, *Ғаллакор*, *Соҳибкор*, *Лалмikor*), -ли, -лик, -лик аффиксларидан (*Богдорчилик*, *Далаччилик*, *Жиякчилик*, *Кўнчилик*, *Сукчилик*, *Тароқчилик*, *Косибчилик*, *Пиёзчилик*, *Пичоқчилик*, *Эгарчилик*.) ташкил топган топонимлар ҳам кенг тарқалган.

С.Коравенинг (2005) таъкидлашича, топонимларни тахлил қилишда қўлланадиган яна бир қонуният ном ясашда иштирок этадиган сўзларнинг маънавий жиҳатдан ўхшаш эканлигида ҳам, грамматик жиҳатдан тузилишида, яъни уларнинг қайси гап бўлаклари сифатида иштирок этишида ҳам, ниҳоят, топонимларнинг тузилишида географик номларни ҳосил қилишда кўпроқ иштирок этадиган сўз бўлақларининг таркибиде ҳам кўринади. Бир сўздан иборат топонимлар, одатда, отлар ва камдан-кам ҳоллардагина сифатлар шаклида бўлади. Шундай қилиб, географик номлар муайян қолиплар шаклида ҳосил бўлади. Ана шундай қолиплар топонимик моделлар дейилади. Ҳар бир тил топонимлар ҳосил қилишда ўз хусусиятларига ва топонимик моделларга эга. Масалан, ўзбек топонимлари кўпинча бирдан ортик унсурлардан иборат бўлади, кўшимчалар ўзақдан кейин келади, сифат отдан олдин туради. Бирор бир жойнинг топонимлари рўйхатида, кўпгина географик хариталарда бу қонуният яққол кўринади. Демак, топонимик модел топонимларнинг тузилишини билдиради. Масалан, от+от, *Арабтепа*, *Арабмозор*, *Тошқудуқ*, *Хўжаариқ*, *Хўжақишлоқ*, *Қитчиқариқ*, *Кўреонтена*. Сифат+от: *Арзистена*, *Оқтепа*, *Қаттақурғон*, *Қоратена*, *Қизилтепа*, *Қорақум*, *Янгибозор*, сон+от: *Бешиқариқ*, *Бешиқтепа*, *Олтиариқ*, *Мингчинор*, *Яккатут*, *Учқўтриқ*, *Учариқ*, *Қўитегирмон*, *Қўитена*; от+фелъ: *Учолши*, *Хўжақўлди*, *Соғкелди*, *Қўибости* ва ҳоказо.

Маълум географик ҳудудларда жойлашган топонимларнинг шаклан ва мазмунан бир-бирларига ўхшаш занглигини ташқи кузатишлардан ҳам билиш мумкин. Бундай номлар бошқалардан озми-кўпми ажралиб турадиган гуруҳлар, яъни

топонимик типлар ҳосил қилади. Ҳар бир гуруҳга қирадиган топонимлар грамматик тузилиши, келиб чиқиши ва маъносининг умумийлиги билан фарқ қилади. Ўзбекистонда - ли (*Аламли*, *Олмали*, *Бурсали*, *Ғумайли*); -лик (*Андижонлик*, *Кўжонлик*); -лок (*Қумлоқ*, *Тошлоқ*, *Санглоқ*); -чор (*Чорбоғ*, *Чорсу*, *Чорчинор*, *Чорбестурончи*, *Чортёғ*, *Чордара*, *Чорраха*) кўшимчали топонимлар топонимик типларга мисол бўла олади. Махсус лингвистик адабиётларда топонимик тип деб баъзан муайян топонимни ясалиш модели, айрим ҳолларда формант ҳам тушунилади. Бирок топонимик тип деганда грамматик шакл билан бир каторда сўзнинг маъносини тушуниш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда ҳар бир жой, ҳар бир тарихий давр ва ҳар бир тил учун ўзининг топонимик типлари аниқ кўринади.

Топонимик тип модел ва формантга нисбатан комплекс тушунча бўлиб, топонимиканинг барча аспектиларини ўз ичига олади. Бирор ҳудудда кўп учрайдиган топонимик типларда географик ландшафтнинг хусусиятлари (чўл, текислик, тепа, тоғ, эриқ, қум, жар, қир, булоқ, қудуқ), муайян тарихий даврнинг характерли аломатлари (Вақф-вақим, ём-жом, озодлик, истисқолол, мустақиллик) ёки аҳолининг этник таркиби ҳам (*Бачқир*, *Бағиш*, *Бўжай*, *Дўрмон*, *Найман*, *Жалойир*, *Сарой*, *Унғут*, *Қитчиқовул*) ўз аксини топган бўлиши мумкин.

## ОЙКОНИМЛАРНИНГ ТАСНИФЛАШ ОРҚАЛИ НОМЛАНИШ ЖИХАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ


Ойконимлар деганда, шаҳар, қишлоқ, овул ва бошқа аҳоли масканлари номлари тушунилади. Аҳоли масканлари ижтимоий-иқтисодий ҳамда тарихий категория бўлиб, уларнинг номланиш жиҳатлари вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Ойконимларни ўрганишда уларни гуруҳ-гуруҳларга бўлиб, таснифлаш усули кенг тарқалган. Аҳоли масканларини асосан икки йirik гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Табiiй ёки табiiй-географик ойконимлар.
2. Иқтисодий-ижтимоий ойконимлар.

Табiiй-географик ойконимлар ўз навбатида сув билан боғлиқ, рельефни акс эттирувчи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси номидан олинган ойконимларга бўлинса, иқтисодий-ижтимоий ойконимлар ўз навбатида кишилар исмидан, уруғ-қабилалар номидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардан олинган ойконимларга бўлинади. Мазкур ойконимларни чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида яна кичик гуруҳларга бўлиш мумкин (1-қизма). Қўйда Фарғона вилоятидаги ойконимлар мисолида айрим гуруҳларга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

### ГИДРООЙКОНИМЛАР

Қурғоқчил иқлим ҳукмрон бўлган ҳудудларда, жумладан Фарғона водийси ҳудудида гидронимларнинг (сувлик билан боғлиқ бўлган географик объектлар) гидроойконимга айланиши кўп кузатилади. Сабаби, курук иқлим шароитида сув ҳаёт манбаи сифатида ҳар қандай аҳоли масканнинг шаклланишига, жойлашган ўрнига ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Гидроойконимларни ва гидронимларни номланишига таъсир кўрсатадиган омиллар бир биридан у қадар кўп фарқ қилмайди. Гидронимларнинг гидроойконимга айланиш ва келиб чиқиш жараёнидаги беъзи ўзгаришлар бўлиши мумкин.



Гидроойконимлар тахлилда уларнинг қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш тамойилларини белгилашда Н.Охунов (1998) томонидан ишлаб чиқилган усулга амал қилиш мумкин. Бундай тахлилда тап гидроонимлар ҳақда эмас балки гидроойконимлар ҳақда борайтганлигини назардан қочирмаслик лозим, чунки ҳамма гидроонимлардан ҳам аҳоли масканларининг номлари ясававермайди. Фарғона вилоятда сув билан боғлиқ ҳолда яратилган аҳоли масканлари номларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўраниш мумкин.

Биринчи гуруҳга сув объектларининг маълум бир этник гуруҳга, бирор аҳоли масканга ёки айрим кишиларга тегишли эканлигини билдирадиган гидроонимлардан олинган ойконимлар киради. Вилоятда *Қипчоқариқ*, *Қирғизариқ*, *Наймансой*, *Кувасой*, *Оқтепасой*, *Хўжасариқ* каби қишлоқ ва маҳалла номлари мазкур тамойил асосида яратилган.

Иккинчи гуруҳга грунт қатламнинг устки тузилиши, туپроқнинг таркиби, жой рельефига кўра номланган гидроонимлардан олинган ойконимлар киради. Бундай қишлоқ ва маҳаллаларга *Тошариқ*, *Жарариқ*, *Қумариқ*, *Қиялсой*, *Соғлиқ*, *Сой шилдир*, *Шаршара*, *Шоёза*, *Шолдирама* кабилар мисол бўлади.

Сувнинг мазаси-таъми, хиди, ҳарорати ва рангига нисбатан ном олган гидроонимлардан учинчи гуруҳга кирувчи ойконимлар яратилган. Бу хил гидроойконимларнинг таркибида «ширин», «чучук», «тоғли» «шўр», «аччик», «сассиқ», «совуқ» сўзлари қатнашади. Фарғона вилоятда *Шўрсӯё*, *Шаршӯё*, *Зилолсӯё*, *Аччиккўл*, *Ойдинкўл*, *Оқариқ*, *Оқариқобод*, *Оқбулоқ*, *Оқдўдўқ*, *Қораариқ*, *Қорасой*, *Қорасӯё*, *Қоракўл*, *Совуқбулоқ* каби қишлоқ ва маҳалла номлари кайд этилган.

Илмий тадқиқотларда қайд этилишича, гидроонимлар таркибида қўлланган оқ сўзи доимо оқиб турадиган, тоғ музликлардан келадиган, қор сувлари билан тўйинадиган, ўз табиий ўзанида оқадиган, ёзда қуримайдиган, ранги оқ тусда бўлган, ичишга яроқли сувга нисбатан ишлатилади. Ер ости ва сизот сувларидан тўйинадиган, секин оққанлиги учун тиник

қорамтир тусда кўринадиган, табиий ўзанида оқмайдиган сувга нисбатан эса қора сўзи ишлатилади.

Тўртинчи гуруҳга сув объектнинг сон-саногини, микдорига қараб ном олган гидроойконимлар киритилади. Вилоятда ушбу гуруҳга кирувчи *Бешариқ*, *Олтиариқ*, *Еттибулоқ*, *Мингбулоқ*, *Тўққизбулоқ*, *Дуоба*, *Учолли* каби аҳоли масканларининг номи мавжуд.

Бешинчи гуруҳдан объектнинг жойлашган ўрнига, ҳажми-ўлчовига, шакл-тузилишига кўра номланган гидроойконимлар жой олади. *Артизон буйи*, *Ариқбўйи*, *Булоқбоши*, *Белариқ*, *Сойбуйи*, *Улкансой*, *Сувбоши*, *Канаттағи*, *Канатбўйи*, *Қўлариқ*, *Қўлазаш*, *Боғтақсўл*, *Саржанда* каби жой номлари шу гуруҳга мансубдир.

Олтинчи гуруҳга гидрологик объектнинг пайдо бўлган вақтига нисбатан номланган гидроонимлар асосида яратилган ойконимлар киритилади. Фарғона вилоятда *Янгисой*, *Янгибулоқ*, *Янғизариқ*, *Янғизаканал*, *Эскиахор* каби қишлоқ ва маҳалла номларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Охириги гуруҳга сувнинг оқиб характерини, оқиб йўналишига кўра ном олган гидроонимлар ҳамда бошқа сувлик билан боғлиқ бўлган гидроойконимлар киритилади. Вилоятдаги *Дамариқ*, *Жўйдан*, *Хотинариқ*, *Дамкўл*, *Сойкелди*, *Сойшилдир* каби номлар оқиб хусусиятини билдирса *Ғатчасой*, *Сойсузар*, *Кандабулоқ*, *Қудуқлик*, *Сувлиариқ*, *Олтинкўл*, *Ойдинкўл*, *Чашма*, *Машиат*, *Сардоба*, *Тағоб* каби гидроонимлардан олинган ойконимларни маъноси алоҳида тахлил қилинади.

## ОРООЙКОНИМЛАР

Ойконимларнинг маълум бир қисми ернинг геоморфологик хусусиятларидан ном олган бўлади. Ер рельефининг тузилиши, сатҳи билан боғлиқ бўлган бундай ойконимлар геоморфологик ойконимлар ёки ороойконимлар деб аталади. Оронимларга тоғ, адир, қир ва тепалиқлар эмас, балки рельефнинг салбий шакллари - водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, ўйик-чикиқлар, шунингдек, текислик, паст

Фарғона вилоятининг Фарғона туманида *Ермозор*, *Ердон*, *Ердонбод*, *Ерқин* деб аталувчи қишлоқлар бор. Бу топонимларда ёр сўзи жар маъноси билан географик номлар таркибида катнашган ва жойнинг рельеф хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Вилоятда рельеф шаклини билдирувчи *Адирболо*, *Пақлабодир*, *Чордара*, *Дунесарой*, *Беларих*, *Камар*, *Қочугай* ёки Чукур сўзи билан *Чукурқишлоқ*, *Чукурқуча*, қиз сўзи воситасида *Қизил-қиз*, *Қизил*, *Қум-қизил*, *Қизил-кўрғонча*, *Қизилсой* каби топонимлар яратилганлигини кўришимиз мумкин.

Геоморфологик ойқонимларга рельеф шаклидан ташқари жойнинг ландшафт тузилишини билдирувчи жой номлари ҳам киради. Бундай ойқонимлар таркибида дашт сўзи кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Одатда дашт - "обод қилинмаган, сувсиз чўл"га нисбатан қўлланадиган географик терминдир. Табиий географияда дашт табиат зонаси деб чўлга нисбатан шимолда жойлашган, ўсимлик ва хайвонот дунёсига нисбатан бойроқ бўлган хулудга айтылади. Фарғона вилоятда дашт ибораси билан *Дашт*, *Даштбод*, *Дашт маҳалла*, *Дашт пандисон*, *Дашт тегирмон*, *Даштчўлтон*, *Даштхасан*, *Ўқчидашт*, *Ғандидашт* каби қишлоқ ва маҳаллалар номлари юритилади.

Набатдаги геоморфологик ойқонимлар каторига тош сўзи билан бошланган жой номларини киритиш мумкин. Бу ойқонимлар таркибидаги тош сўзи- қаттик тоғ жинсларининг умумий номи ёки алоҳида турган қоя сифатида қўлланган бўлиши мумкин. Вилоятда *Тошараб*, *Тошариқ*, *Тошобод*, *Тошлоқ*, *Тошлоқтепа*, *Тошмасжид*, *Тоштепа*, *Тошоҳир*, *Тошқесар*, *Тошоҳуз*, *Тошқишлоқ*, *Тошкўрғон*, *Тахия-тош*, *Полвонтош*, *Кўктош*, *Ғиштлик масжид* каби маҳалла ва қишлоқ номлари қайд этилган бўлиб, улар таркибидаги тош сўзи топоним ясовчи сифатида ишлатилган.

Қадимги географик терминлардан яна бири- ёзи бўлиб, туркий ва эски ўзбек тилида, чўл, дашт, текисликни билдирган. Ҳозир истеъмолдан чиқиб кетган бўлиб Ўзбекистон худудидаги айрим топонимлар таркибида сақланиб қолган. Бунга Фарғона

текисликлар ва қумликлар ҳам киради. Вақт ўтиши билан объектнинг рельефи ўзгариши мумкин бироқ ўша рельефни ифода қилган ном сақланиб қолаверади. Чунончи «тепа», «жар» маъносини билдирган ойқонимларнинг айримлари ҳозирги вақтда ўша жой рельеф хусусиятини айнан аниқлашмаслиги мумкин.

Рельеф шаклларидан аҳоли масканлари номига энг кўп қўйиладиган ном тепа ҳисобланади. Қадимда аждодларимиз кўпроқ мулоффа мақсадларини кўзлаб ўз яшаш манзилгоҳларини тепалар яқинида ташқил этганлар. Мазкур ҳолат душман хавфини анча узокдан биши ёки бошқаларни бу ҳақда огоҳлантириш имконини берган. Фарғона вилоятда тепа сўзи катнашган қишлоқлар сонини ўттизтадан ортиши фикримизнинг далилидир. Ушбу аҳоли манзилгоҳларига қуйидагиларни яна такроран мисол қилиб келтириш мумкин: *Азизтепа*, *Арабтепа*, *Арзиктепа*, *Гўртепа*, *Зиндонтепа*, *Қитқонтепа*, *Оқтепа*, *Оқтеласой*, *Сымтепа*, *Собиртепа*, *Сочтепа*, *Сурхтепа*, *Тепажангоер*, *Тепакўрғон*, *Тепалик*, *Тепатаги*, *Тиллатепа*, *Тошлоқтепа*, *Тоштепа*, *Учтепа*, *Чилонтепа*, *Шаҳартепа*, *Шўртепа*, *Чанққишлоқ*, *Қизилтепа*, *Қиловтепа*, *Қораттепа*, *Қорсовултепа*, *Қумтепа*, *Қуштепа* каби. Албатта бу тепаларнинг эгасини, ўзига хос хусусиятини, сон-саногини билдирувчи қўшимча сўзлар ҳам таҳлилга муҳтож бўлади. Бу ҳақда қўлланманинг лугат қисмида батафсил маълумот берилади.

Вилоятда жар сўзи катнашга жой номлари кўпроқ қишлоқнинг яқин атрофидаги салбий рельеф шакли "жар" - ўйилган чуқур сойлик" борлигидан дарақ беради. Жар сўзи орқали *Аноржар*, *Жаманжар*, *Жарариқ*, *Жарбони*, *Жармағиш*, *Жарқишлоқ*, *Жаркўрғон*, *Оқжар*, *Тағижар*, *Қизилжар* сингари қишлоқлар номланган. Шунингдек, Махмуд Қошғарийнинг «Девону лугати турк» асарида қайд этилганидек ёр сўзи ҳам жар, ўйилган ер маъносини беради. Адабётларда бу сўз Наманган гуруҳи шеваларида ҳозир ҳам шу маънода ишлатилиши таъкидланади. Наманган вилоятининг Уйчи туманида *Ертепа*, *Ербўрғон*, *Ертаги*, *Ерқуча*, *Кескан-ёр* Янгиқўрғон, Чуст туманларида Ёрқишлоқ Анджон вилоятда *Оқ ёр*, *Қуйсанёр*,

вилоятнинг Ўзбекистон туманидаги *Оқёзи, Сарёзи* номли ойконимларини мисол килиш мумкин. Оқёзи-ок чўл, ок дашт сарёзи -сарик дашт, сарик зўл маъносини билдиради. Марказий Фарғонада жойлашган Ёзёвон туманининг номи ёзи ва ёбон сўзларидан тузилган. Бундаги ёбон сўзи ҳам чўл деган маънони беради. Келиб чиқишига кўра, Ёзёвон тарзида шаклланган бу номда вақт ўтиш билан турли фонетик ўзгаришлар бўлган, дастлаб и товуши тушиб қолган сўнг б товуши в товуши билан алмашиб Ёзёвон шаклини олган. Ёзёвон айнан чўл, чўлиёбон, текис чўл демакдир.

Ернинг геоморфологик хусусиятларидан рельефнинг тузилиши, сатхи, тоғ, адир, кир ва тепаликлар, водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, текислик, паст текисликлар ва кумликлар билан боғлиқ бўлган бундай ойконимлар ўзок вақт ўзгармасдан сақланиб қолиши билан ҳам ахамиятлидир.

## ФИТООЙКОНИМЛАР

Инсонлар ҳаётида ўсимликлар жуда катта вазифани бажаради. Бу ҳолатни эътиборга олган кишилар қадим замонлардан бошлаб уларни авайлаб, парваришлаб келганлар. Қадимги лотин тилида дарахт ва халқ сўзлари бир хил ибора билан "поллус" деб атагани ҳам ўсимликлар дунёсини кишилар ҳаётидаги эгаллаган ўрни ва ахамиятидан олинган бўлиши мумкин.

Топонимларнинг нисбатан катта бир гуруҳини ўсимлик номлари асосида яратилган атамалар ташкил этади. Ўсимлик ва дарахт номлари билан аталган аҳоли масканлари номи - фитоойконимлар (топонча фитос-ўсимлик демакдир) деб аталади. Улар маълум ҳудудда тарқалган ўсимликлар дунёси ҳақда батафсил маълумот беради. Бу турдаги жой номларининг вужудга келиши юқорида таъкидланганидек, нисбий негативлик деб аталган географик қонуният асосида юз беради. Бу қонуниятга кўра, бирор жойга ном беришда шу ҳудуд учун нисбатан кам бўлган, ҳаммани диққат эътиборини тортадиган табиий ва иқтимой объектлар номи танланади. Масалан,

бугдой, пахта кўп экиладиган районларда пахта кишилар эътиборини у қадар кўп тортмайди, бу ерларга кўпроқ ўсимликларни номи берилади. Бундан ташқари, ўсимликлар номи кундалик ҳаётда ўзига хос мўлжал (орентир) бўлиб ҳам хизмат қилган. Шу таразда географик номлар тизимида, жумладан Фарғона вилояти ҳудудида ҳам фитоойконимлар пайдо бўлган.

Фарғона вилояти ҳудудида тарқалган фитоойконимлар таркибида ёввойи ўсимликлардан: Арча (*Паски Арча, Юқори Арча*), бодом (*Янги бодом, Бодомзор*), лола (*Лолазор*), янтоқ (*Қораянтоқ*), юлгун (*Юлгунзор*), қайрағоч (*Қайрағоч, Муллақайрағоч*) каби ўсимликлар номидан олинган жой номлари такрорланиб келади.

Маданий ўсимликларнинг жамиятда тутган ўрнига мос равишда вилоятимиз кишлоқ ва маҳаллалари орасида улар номи билан аталадиган жой номлари кўпчиликни ташкил этади, жумладан:

- 1) Анор сўзидан: *Анор*;
- 2) Жийда сўзидан: *Жийдали, Жийдаарик, Чилғажийда, Қоражийда*;
- 3) Олма сўзидан: *Олмасор* (10 марта такрорланади), *Олмаота*;
- 4) Пахта сўзидан: *Пахтакор* (5 марта такрорланади), *Пахтабод, Пахта бустон, Пахта учун, Пахта қайнар*;
- 5) Терак сўзидан: *Теракзор, Теракмасозор, Терактаги, Баштерақ, Мингтерақ, Жуфтерақ*;
- 6) Тоғ сўзидан: *Тоғзор, Тугтос, Тоғкўча, Тоғмасозор, Учтоғ, Қатортоғ, Қароқчигтоғ*;
- 7) Тут сўзидан: *Сертут, Тутзор, Туттаги, Мингтут, Учтут, Яққатут, Яққатутбуга*;
- 8) Ўрик сўзидан: *Ўрикзор, Ўрикли каби*.

Булардан ташқари чнор, сада, туранги сингари мевасиз дарахт номлари билан атадувчи аҳоли масканлари ҳам мавжуд. Бу ҳақдаги мисоллар кўлланимнинг луғат қисмида берилган.

Ўсимликларнинг бошқа тиллардаги номларидан олинган фитоойконимлар ҳам учраб туради. Фарғона вилояти топонимик харитасида келтирилган *Хористон* (Олтиарик тумани), *Ҷумоқча* (Риштон тумани) ойконимларининг ўзаги тожикча хор (тикон), чумок (ёғнок) бўлиб Тиконзор ва Ёнгок маъноларини билдиради.

Фитоойконимлар таркибидаги кўшимчаларга қараб маълум бир жойда ўсимлик ёки дарахтларнинг тарқалиш миқдорини билиш мумкин. Маълум ҳудудда ўсимликларнинг кўп эканлигини билдирувчи ойконимлар таркибида минг, тўп, қатор, гала сингари сонлар ва миқдорни билдирувчи сўзлар ёки -ли, -лик, -зор, -истон кўшимчалари мавжуд бўлади: *Мингўрик*, *Мингчинор*, *Тўптоп*, *Тўптеррак*, *Қатортоп*, *Кўзопи*, *Ғумойли*, *Галатут*, *Ўрисли*, *Толли*, *Ёнгоқли*, *Олмали*, *Узумзор*, *Ўрикзор*, *Найистон* сингари.

Ўсимликнинг камлиги ёки санокли эканлиги маъносини билдирувчи ойконимлар таркибига «акка», «икки», «кўш», «уч», «тўрт», «чор» сўзлари иштираб этади. Масалан, *Иккитоп*, *Учтут*, *Уччинор*, *Чортут*, *Чортут*, *Яккатоп*, *Яккатут*, *Кўшчинор*, *Кўштол каби*.

Бундан ташқари, ҳеч қандай кўшимчасиз ўзақ ҳолида кўлланилувчи Арча, Чинор, Қайрағоч, Сада, Чилон, Тут сингари ўсимликлар ҳам кишлоқ ва маҳаллалар номлари учун асос бўлган. Бу сўзлар мазкур ўсимлик турининг ўша ҳудудда озлиги, кам миқдорда эканлиги, лекин энг характерли белги вазифасини ўташлигини билдиради.

С.Қораев (2006) ҳар доим ҳам ўсимликлар номидан олинган аҳоли масканлари номини фитоойконимлар гуруҳига киритиш у қадар тўғри эмаслигини таъкидлайди. Сабаби маданий ўсимликлар, турли экинлар ва дарахт-буталар дехқончилик ҳамда боғдорчилик манбаи бўлиб, иктисодий географиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Шунинг учун бундай номларни иктисодий ойконимлар гуруҳига киритиш ҳам

мумкин. Бундай ойконимлар қаторига республикамиздаги *Анжрли*, *Анорзор*, *Арча*, *Арпакўл*, *Арпакли*, *Арпачоя*, *Бедазор*, *Беданоя*, *Бештеррак*, *Бештол*, *Бешқоқ*, *Бодомзор*, *Боғбон*, *Галатут*, *Гўжумли*, *Гўжумди*, *Жигдазор*, *Жийда*, *Жийдабулоқ*, *Жийдақатта*, *Жийдамасҳалла*, *Жийдамозор*, *Жийдақишлоқ*, *Жийдали*, *Лола*, *Лолазор*, *Мингўрик*, *Мингчинор*, *Мирзатеррак*, *Найзақайрағоч*, *Олволлор*, *Олмазор*, *Оқтеррак*, *Пахтазор*, *Пахтакечи*, *Пахтакор*, *Пахтакурачи*, *Пахтакўл*, *Пахтафронти*, *Пахтачи*, *Пахтақайнар*, *Пахтақишлоқ*, *Пистали*, *Сертут*, *Тарих*, *Терак*, *Теракзор*, *Теракли*, *Терактаги*, *Тол*, *Толди*, *Толқуфук*, *Толзор*, *Толли*, *Толлиқоул*, *Толлисой*, *Толлиарик*, *Толлиқишлоқ*, *Толлиқўрзон*, *Толмазор*, *Тут*, *Тутзор*, *Тутли*, *Узумзор*, *Шафтоличи*, *Шафтолзор*, *Яккаарча*, *Яккатоп*, *Қатортеррак*, *Қатортоп*, *Қатортут*, *Қизилгул*, *Қизилтут*, *Қораёғоч*, *Қоражийда*, *Қоратоп*, *Қушғоч*, *Қушчинор*, *Кўзопи* каби номларни киритиш мумкинлиги таъкидланади. Бизнингча, бу масалада алоҳида тадқиқотлар олиб бориш лозим. Чунки С.Қораевни фикрига ҳам тўла қўшилиб бўлмайди, сабаби юқорида берилган жой номларидан Лола, Оқтеррак, Тут кабилар иктисодий-ижтимоий кўрсаткичларни эмас балки, фақатгина фитоойконимлар қаторини билдиради.

## ЗООИЙКОНИМЛАР

Зоотопонимик ойконимлар - ҳайвон номлари билан аталган аҳоли масканларининг номидир. С.Қораевни ёзишича (2005) бундай ойконимлар таркибида айғир, балиқ, баҳрин, бедана, бия, бурга, бургут, бўйра, бўри, дўлта ("сиртлон"), илтон - жилон, карп, лайлак, малах(тожикча), от, туя, чага, човли, шағол, эчки, эшак, қарсақ, қарчиғай, қарға, қулон, ғажир (ғажимок-фёшлидан ўлимигикхўр бесўнакай қуш, тасқара ҳам дейилади) каби сўзлар учрайди.

Фарғона вилояти топонимлари таркибида ҳам ҳайвонлар номи билан юритиладиган кишлоқ ва маҳаллалар анчагина. Бувайда туманидаги кишлоқлардан бирининг номи *Алқор* деб аталади. Илмий адабиётларда этимологияси берилмаган бўлсада,

бу ном э: "ог-энимик ойконим (хайвон номи билан боғлиқ ном) бўлиши мумкин. Ўзбек тилида ёввойи тоғ кўйи Алкор деб аталади. Вилоятимиздаги *Бўриқум*, *Олтигуш* (Дағара тумани), *Галы-гисдон* (Учкўприк тумани), *Ғозийлик*, *Учуш* (Кўкон шаҳри), *Каттархона* (Фарғона тумани), *Лайлакўя* (Кўва тумани), *Қорақулич* (Охунбобоев тумани), *Қушхўноқ* (Ўзбекистон тумани), *Қуччи* (Фуркат тумани), *Қўқорчи* (Кувасой шаҳри), *Шулқор* (Фуркат тумани) номлари ҳам хайвонларга нисбат бериб қўйилган бўлиши мумкин. Бирок бу топонимлар орасида уруғлар номи, этнонимлари ҳам кўп учрайди. Масалан, С.Губаева (1983) Алкор калмоқлар қишлоғи бўлиб, уни Олпоқ хўжа, эшон дуо қилганлигини ёзади. Қушчи, Қутчи, Куччи топонимлари парранда номидан эмас балки уруғ номидан олинганлиги исботланган (С.Қораев, 2001). Шунинг учун ҳар бир зоотопонимик ойконим изохи алоҳида таҳлилга муҳтож. Баъзан хайвон номи бошқа, кўчма маънода қўлланган бўлиши ҳам мумкин, Масалан, айғиртепа деганда "катта тепалик" тушуниллиши, ёки қадимги маънода ишлатилган бўлиши мумкин, балиқ сўзи "шаҳар" маъносини англатиши сингари.

## ЭТНООЙКОНИМЛАР

Кишилиқ жамиятининг турли ривожланиш босқичларида вужудга келган уруғ, қабила, элат, халқ, миллат каби этник бирликлар этнослар деб аталган. Бу фикрни кўпчилик томонидан қабул қилинган, этнология фанидаги ягона фикр деб бўлмайди. Сабаби, икtidорли олим Л.Н.Гумилев томонидан этноснинг биологик-географик хусусиятлари фанга киритилди (1990). Ўрганилаётган мавзудан четта чиқмаслик учун этносларнинг фақатгина топонимикага алоқадор жиҳатларига тўхталмоқчимиз. Бирор ўлка топонимикасини ўрганишда этнонимларнинг ўрни қатта эканлиги ҳақда деярли барча топонимист олимлар таъкидлаб ўтганлар, жумладан, В.А.Никонов, С.Қораев, К.Шониёзов, С.Губаева, Н.Охунов ва бошқалар. Бирок ҳудуд топонимиясини ўрганишда масаланинг бошқа жиҳатларини ҳам эсдан чиқармаслик зарур, сабаби бутун

дунё этнослари учун хос бўлган жиҳатлар бизнинг халқимизга ҳам тегишлидир.

Биринчидан, этносларга қўйилган номлар шу қадар ўзгариб кетиши мумкин эканки, бу номга қараб мавжуд этноснинг тарқалган ҳудуди, этник тарихи ҳақда ҳар доим ҳам ҳулоса чиқариш тўғри бўлмайди. Масалан, ҳозирги Руминия давлатининг номи у ерларда яшаган қадимги халқларнинг номидан эмас, балки қачонлардир у ерни босиб олган Рим империясининг номидан олинган бўлса, улуг хамюртимиз З.М.Бобур томонидан Ҳиндистонда ташкил этилган давлат "Буюк мўғуллар империяси" деб юритилиб келинганлигини эслаш қифоя.

Иккинчидан, аҳоли масканларига этнослар номини қўйишда ҳам топонимикадаги нисбий негативлик қонунига амал қилинади. Яъни, бирор миллат ёки халқ яхлит яшайдиган ҳудуднинг бир қисмига эмас балки, бу ҳудуднинг чекка қисмида икки халқ вакиллари аралашиб яшайдиган жойлардагина этносларнинг номи хос хусусият, ажралиб турувчи белги сифатида жойларга қўйилади. Шунинг учун бу топонимлар асосида ўрганилаётган этноснинг географиясига ҳар доим ҳам тўғри баҳо бериб бўлмайди.

Тарихий манбаларда 92 та ўзбек уруғи борлиги ёзилади. Бундан ташқари, бу уруғларнинг ҳар бири яна майда гуруҳларга бўлиниб кетишга тўхталиб, К.Шониёзов биргина кўнғирот уруғининг 200 дан ортиқ кичик шох - тўшларга ажралиб кетишини ёзади. Фарғона вилояти ҳудудида кенг тарқалган этник гуруҳлар номи ҳам топоним сифатида жой номларига кўп қўйилган. Бу ҳақдаги батафсил маълумотлар Н.Охунов (1989; 2005) ҳамда С.Қораев (2006) асарларида келтирилган. Биз ҳувида ушбу манбалардан фойдаланган ҳолда вилоятдаги қишлоқ ва маҳаллалар номлари таркибида кўп тақдорланадиган этник бирликлар номларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Н.Охуновнинг таъкидлашича (1989) *қилчоқ* қабилиси кўпгина туркий халқлар: ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғизларнинг этник таркибига кириб, уларнинг миллат бўлиб

шаклланишида катнашган. К.Шоннёзовнинг маълумотларига кўра, Фаргона водийсининг шимолий-шарқий ва шимолий-гарбий қисмларида ўтrockлашиб қолган кипчoкларнинг сони XIX асрнинг охирида 70 миң кишидан ортган. Мазкур қабила таркибида кўгай, бугач, қумушой, ўлмас, яшик, жайдо-, пучугой, элатон, бугаз, оғим, тоз, сирмоқ, еттиқашка, қутлуг сеид, черик, кўкбўйин, тўрайғир, товудди, чангароқчи, чиял, қулон, оқбўйра, қорабовур, бошқирт, тикон, қоратикон, сарикипчоқ, қорабўйин қаби уруғларга бўлинади. Бешарик туманидаги *Қорабўйин*, *Товул*, Дангара туманидаги *Тўрайғир*, *Яшик*, *Қизилмуш*, Бувайда туманидаги *Баққир*, Учкўприк туманидаги *Пучуқой*, Охунбобоев туманидаги *Оқбўйра*, Фаргона шаҳридаги *Бешбола* кишлоқларининг номи шундай атамалар жумласига киради. *Қипчоқ* этнонимининг ўзидан олинган жой номлари вилоятнинг Бешарик, Тошлоқ, Риштон туманларида қайд этилган.

Фаргона вилояти топонимик харитасига киритилган кишлоқ ва маҳаллаларга қўйилган номлар орасида энг кенг тарқалгани найман уруғининг номидир. *Найман*лар қабила сифатида ўзбек, козoқ, қоракалпоқ, қирғиз, нуғай ва олтой халқларининг таркибига ҳам кирган. XIX асрнинг 70- йилларида ўзбек найманлари Зарафшон воҳаси, Фаргона водийси ва Хоразмда яшаганлар. Кейинчалик найманлар ўзбек халқи таркибига сингиб кетган. Ҳозирда Найман номили кишлоқлар Фаргона вилоятининг Бувайда, Тошлоқ, Олтиарик, Кува туманларида ҳамда Кувасой шаҳрида, *Найманча* Дангара туманида, *Найман-Бўстон* Тошлоқ туманида, *Наймансой* Ўзбекистон туманида учрайди.

*Дўрмон* – вилоят топонимик харитасида кўп такрорланган жой номларидан бири. Дўрмон уруғига мансуб кишилар яшаган худудлардаги аҳоли манзилгоҳларида бу ном сақланиб қолган. Бағдод туманида *Дўрмонча*, Охунбобоев туманида *Дўрмон* номили кишлоқлар бор.

*Кенгас* – йирик ўзбек қабилаларидан бири бўлиб, бу ном ойконим сифатида Фаргона вилоятининг Ўзбекистон, Бағдод,

Учкўприк туманларида *Кенгас*, *Катта Кенгас*, *Кичик Кенгас* шаклида учрайди.

*Катогой* уруғи номидан олинган кишлоқлар Ўзбекистон, Бағдод, Бешарик туманларининг топонимик хариталарида қайд этилган.

*Жалоир* уруғи викилари тарқалган худудларда бу уруғ номи ойконим сифатида Бувайда, Фуркат туманларида (*Жалоир*, *Тела Жалоир*, *Пастки Жалоир* тарзида) сақланиб қолган.

Фаргона вилоятда тарқалган этноойконимлар орасида бошқа миллат вакиллари тарқалганлигини, яшаганлигини билдирувчи жой номлари ҳам мавжуд. Уларга араб, афгон, лўли, татар, тожик, кашкар, калмоқ, қирғиз, қоракалпоқ сингари миллатлар билан боғлиқ жой номлари мисол бўлади. Бу номлар ҳақида батафсил қўлланма сўнгидаги топонимик лугатда берилган.

Халқимизнинг кўплаб уруғ-қабилалари номлари Рашидиддин, Абулғози Баходирхон, Захириддин Муҳаммад Бобур қаби тарихчилар ҳамда А.П.Хорошхин, Н.А.Аристов, Д.Н.Логофет, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Б.Х.Кармишева, К.Ш.Шаниязов, А.Р.Муҳаммаджанов, Б.А.Аҳмедов, И.Жабборов, Х.Хасанов, С.Губаева, Н.Охуннов қаби олимларнинг илмий ишлари асосида ўрганилиб, С.Қораев томонидан уларнинг умумий рўйхати тузиб чиқилган (2006). Таъкиотлар жараёнида ва топонимлар номини изоҳлашда қўллаш учун мазкур этнонимлар рўйхатини айнан келтирамиз:

*Абдал*, *Абиз*, *Авгон*, *Авзонбоғ*, *Авзонон*, *Адай*, *Адайқўл*, *Алиовул*, *Айтырчи*, *Алеи*, *Алеичча*, *Анди*, *Араб*, *Арабон*, *Араблар*, *Арабхона*, *Аргин*, *Ариот*, *Ахтаци*, *Ахтихона*, *Ачамайли*, *Аччи*, *Ашамайчи*, *Аючи*, *Баганали*, *Бағши*, *Бадай*, *Бадал*, *Бадроқит*, *Бай*, *Боёвул*, *Боймоқли*, *Баҳтин*, *Бойқут*, *Боймўли*, *Боёъели*, *Боқабачча*, *Болғали*, *Болдир*, *Балқи*, *Болиа*, *Болтақул*, *Болтали*, *Болтақир*, *Балхи*, *Балқичи*, *Бароқ*, *Барлос*, *Ботоми*, *Бахман* (*Бахмон*), *Баҳрин*, *Баҳши*, *Баққир*, *Боёвут*, *Безлар*, *Безавлат*, *Бектемир*, *Бешоғоч*, *Бейбола*, *Бешоҳон*, *Бешка*, *Бешкалтак*, *Бешкапа*, *Бешқуби*, *Бейсар*, *Бейшентак*, *Болтали*, *Болғали*,

Буркут, Бўстон, Бўгажели Гала, Галаботир, Гумбаз, Гурлан,  
Далварзин, Дармон, Дўрмон, Дўзлат, Думар, Еттиқаша,  
Еттиқиллоқ, Еттиқуруқ, Ёбу, Ёби, Ёви, Ёву, Жабағли, Жабали,  
Жоби, Жагалбойли, Жавлатой, Жадигир, Жакис, Жалойир,  
Жалмаи, Жастобон, Жатта, Желкилак, Жилонли,  
Жобитамғали, Жилончи, Жуз, Жузи, Жуьит, Журрийат, Зармас,  
Жлолли, Кая, Капар, Калтатой, Капа, Кавсарой, Касовли,  
Келачи, Кенагас, Кене, Керайт, Керей, Кесоклар, Кесагли,  
Кесагли, Кесамир, Кўёсар, Кўккарга, Кўктирноқ, Кўктуьили,  
Корейсовул, Кўлоби, Кўрна, Коса, Лагмон, Лақай, Лангар,  
Лузумбек, Лули, Мавлиш, Мазанг, Майдаёбу, Мойлибюта,  
Молши, Мангит, Мангитлар, Марқа, Марқаноз, Масчан, Матчи,  
Мачай, Мерганча, Мержит, Месит, Метан, Миш, Мингар,  
Минжир, Мирзан, Мирзажамитан, Мирзатўн, Мришикор,  
Мисит, Митан, Мўгол, Мттеул, Мўзохи, Мўзот, Мўгалон,  
Музлон, Музулкени Музлтой, Муйтеновул, Мухамми, Мултони,  
Мундуз, Муротли, Мусобозори, Найман, Наймановул,  
Наймабўстон, Наймансарой, Норин, Небўса, Нўжис, Нўкусовул,  
Нўкухдўга Нўкуллар, Нўкулси, Нефатз, Нўхусён, Обоқли,  
Овоқли, Овчи, Одоқ, Ойтанғали, Ойинти (Ойинни), Озор, Ойбек,  
Ориқ, Оқбош, Оқбўйра, Оқдўйли, Оқҳичоқ, Оқмангит, Оқтапа,  
Оқтўнли, Оқтумар, Оқчелак, Оқчеткан, Олабайташ, Олақарға,  
Олот, Олдаммон, Оллот, Олмасуовон, Олмачи, Олтигайини,  
Олтўйли, Оқхин, Орол, Парчауз, Патас, Пашкурт, Пулоти,  
Поютчи, Пўстинли, Пучугай, Рамадон, Рамит, Савой, Сайт,  
Сайид, Сайидобод, Саидкент, Сайидлар, Салим, Санчикул,  
Санчиқли, Сарой, Сарожерайит, Саройқиллоқ, Сарп,  
Сарсаройлик, Саройча, Сароён, Сартжўзи, Сартноз, Сарибазини,  
Сари, Сарийўмовут, Салқ, Саёт, Сирғали, Сулдуз, Сулдуқ,  
Тобин, Тогай, Тоғлик, Тоқчи, Тожиқ, Тожиқобод, Тожиққиллоқ,  
Тожиқлар, Тожиқмаҳалла, Тожиқравон, Тоз, Таит, Тайлоқ,  
Тайлоқон, Тайлоқлар, Тама, Тамабахрин, Тамайрат, Тамғали,  
Тарагай, Тароқли, Тартўвели, Татар, Татарлар, Таттарқиллоқ,  
Татармаҳалла, Татартўни, Тоти, Тоткент, Тегана, Телов,  
Тигриқ, Тиловат, Телимши, Тўғали, Тўқбой, Тўқмон, Тўқсоба,  
Тўтар, Тўрбат, Тўржиболо, Тўрж, Тўрхўтон, Тўлқора, Тўжса,

Тулангит, Тулқичи, Тумор, Тунар, Туркитойён, Турковул, Туркон,  
Туркман, Турмановул, Турравон, Туртогайини, Туртопта,  
Туртайигир, Туёқли, Туячи, Тудамали, Узун, Уйғур, Уйшин,  
Уйшун, Уйсун, Ултарма, Унғут, Урганжи, Урганжибоз,  
Урганжтён, Урганжлар, Урганжтхона, Учўйли Уювли, Уяли,  
Уяс, Халач, Хидирчи, Хитой, Хитаноз, Хофа, Хофар, Чоғли,  
Чаватай, Чақар, Чақмоқли, Чанақозоқ, Чалақарға, Чолмангит,  
Чолсувут, Чангароқчи, Чандир, Чандирқийет, Чанарашли,  
Чиястай, Чилжисўт, Чимбой, Чимбойлик, Чиноз, Чиркой,  
Чирқироқ, Чиболончи, Чубар, Чубат, Чуваланчи, Чувалачи,  
Чувиллоқ, Чувит, Чўлгилар, Чўмбоғиш, Чўмишли, Чўмчўқлий,  
Чўмбоғиш, Чўнтақ, Чўют, Шагал, Шагалон, Шагалқалға,  
Шагаллар, Шейхлар, Ширин, Ширинлар, Ширинтепа, Шислар,  
Шўйит, Шилжисўт, Елотон, Юзлар, Юзқиллоқ, Юзия, Ямбароқ,  
Ҳимовут, Ҳрис, Ҳрисқазан, Ҳрисқиллоқ, Ҳтарчи, Ҳювли,  
Қозоқ, Қозойқчи, Қайирма, Қайчили, Қайишли, Қалғуқ, Қалмоқ,  
Қалмоқон, Қалмоқлар, Қалмиқ, Қангли, Қанди, Қандекли,  
Қанжгезали, Қатагон, Қашқар, Қора, Қораабдал, Қорабоғиш,  
Қоработир, Қорабўйини, Қомбўра, Қолмангит, Қолмиришкор,  
Қорақалпоқ, Қорақалпоқчи, Қорақалтақ, Қорақасмоқ,  
Қолқитой, Қолқесак, Қорақурсоқ, Қорақўса, Қорақутчи,  
Қорақўшичи, Қорамурча, Қорақилчоқ, Қорамангит, Қорақиллоқ,  
Қорамўйини, Қоммурт, Қоранайман, Қорайўитовут, Қорачи,  
Қорачиқоқ, Қорасадоқ, Қорасоқол, Қорасийроқ, Қоратери,  
Қоратўнли, Қолтўхум, Қоракони, Қоракитой, Қорача,  
Қоракитоқ, Қаргалар, Қаргатепа, Қорлиқ, Қармиш, Қарсоқли,  
Қатагон, Қовчин, Қашгар, Қаштамғали, Қилчоқ, Қийқим,  
Қирғиз, Қирғизовул, Қирғизқўрган, Қирағилар, Қирғизмаҳалла,  
Қирсадоқ, Қитой, Қийли, Қийини, Қийт, Қийтон, Қийтовул,  
Қўқонли, Қўлобели, Қўштарғали, Қўва, Қўвондиқ, Қўға, Қўзай,  
Қўтасача, Қўлар, Қўнғирот, Қўнғиротовут, Қўрайиш, Қўралас,  
Қўрама, Қўреозон, Қўтчи, Қўштамғали, Қўшчи, Қўенқўлқли,  
Қўзилёвқ, Қирқ, Қирқовул, Қирққиллоқ, Қирқлар, Қишлиқ, Қийт,  
Ғалча, Ғулба, Мазкур номларнинг анчагина қисми Фарғона  
водийси топонимлари орасида такрорланади.

Фаргона вилояти ойконимлари орасида этнонимлар сони бошқа вилоятларга нисбатан кўп эмас, уларнинг умумий сони 200 дан ортмайди.

Хар қандай этнонимнинг ўз маъноси бор. Бу номларнинг тарихи узун бўлиб, улар этимологияси ҳақда гапириш алоҳида мавзудир. Шунинг хисобга олиб этноойконимлар этимологиясига фақатгина топонимик лугага изоҳ берилди. Бу ҳақда батафсил маълумот олишни хоҳловчилар учун С.Қораев (2006) ва С.Губаева (1973) асарларини тавсия этиш мумкин.

## АНТРОПОЙКОНИМЛАР

Кишиларнинг исмлари, лақаблари, тахаллуслари ва фамилияларидан ясалган жой номлари антропоойконимлар деб юритилади. Кейинги йилларда вилоятда кўча, маҳалла ва кишлоқларга ном беришда кишиларнинг исмларини кўйиш ёки комиссияга тақдим этиш ҳоллари кўп учраб туради. Шунинг хисобга олиб мазкур мавзуда иккита фикрни айтиб кўйишни лозим топдик.

Биринчидан, юқорида таъкидланганидак Ислом дини одалтига кўра жойларга ном беришда кишиларнинг исмларидан фойдаланиш у қадар қувватланмаган. Шарқда яшаган улуг алломаларнинг исмларини дунё харитасида ўчрамаслиги ушбу фикрни тасдиқлайди. Кейинчалик сўлим гўшаларга азиз-авлиёлар, ислом дини намойндаларини исмлари кўйила бошлади. Бундай ном бир томондан ўша масканга зиёратчилар оқимини кўпайтириб, иқтисодий жиҳатдан наф кўрилишига сабаб бўлса, бошқа томондан шу маскан табиатини экологик жиҳатдан сақлашга ёрдам берувчи диний-ҳуқуқий химоя воситаси сифатида ишлатилган.

Иккинчидан, республиканинг амалдаги қонунлари бўйича объектларга кишиларнинг исмини беришга алоҳида ҳолларда рухсат берилди. Маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, боғлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, физик-жўғрофий, геологик, табиати муҳофаза этиладиган ва бошқа объектларга

давлат, жамоат арбобларининг, сиёсий арбобларнинг, Ваган химоячилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбоблари ва бошқа хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш фақат уларнинг вафотидан сўнг амалга оширилиши мумкин эканлиги белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, боғлар ва аҳоли масканларининг бошқа таркибий қисмларига ном беришда имкон борича жойининг иқтисодий ва табиий-тарихий хусусиятларини ўзида акс эттирган номларни кўйиш мақсадга мувофиқ эканлигини унутмаслик зарур.

Антропоойконимларнинг вужудга келиши жамятда синфларнинг пайдо бўлиши, қўлдорлик тузуми даяридан бошланган. Хусусий мулкчиликка асосланган феодализм даярига келиб ҳудуднинг асосий фарқловчи белгиси сифатида унинг қимга қарашли эканлиги, эгаси олинган. Нагигажада, қатта ҳудудлар, қишлоқ ва маҳаллаларга йирик феодаллар, уруғ ва жамоа бошлиқлари, маҳаллий ҳукмдорлар номи берилган. Бу ҳолат XX асрнинг бошларига қадар давом этган бўлса, ҳозирда маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, боғлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, физик-жўғрофий, геологик, табиати муҳофаза этиладиган ва бошқа объектларга давлат, жамоат арбобларнинг, сиёсий арбобларнинг, ваган химоячилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбоблари ва бошқа хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш орқали антропоойконимларнинг қатта қатлами яратилмоқда.

Антропоойконимларни пайдо бўлиш хусусиятларига кўра таснифлаш топонимикада С.Қораев (2006), Н.Охунов (1983) каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Н.Охунов (1983; 2005) Республика миқёсида тўпланган фактик материаллар асосида киши атоқли отларининг жой номига айланишининг 8 та усулини ажратди. Бу усулларнинг аксариятида фактик материаллар Фаргона вилоятидан олинганлиги учун улардан ушбу ўқув қўлланмасида фойдаланиш мумкин.

1. Киши исми ҳеч қандай қўшимчасиз жой номига айланмаган ҳолат Масалан, *Собиржон*, *Бекмурод*, *Бакыр* (Учкўприк тумани), *Ислам Сулаймон* (Узбекистон тумани), *Наби*, *Қамсан* (Бешарик), *Салим*, *Рузиқул*, *Тўрақул* (Қува тумани), *Тангриқул*, *Расиматулло*, *Шоғулат* (Данғара тумани), *Борот*, *Нодирмат* (Охунбобоев тумани), *Мирфозил* (Олтиариқ тумани) ва бошқалар.

2. Киши исми ва унга қўшилиб қўлланган титул номидан иборат ойқонимлар: *Авалбек*, *Бекбўтабек*, *Бекмурод*, *Бобобек*, *Бобобектор*, *Бобобойбек*, *Давронбек*, *Жонбек*, *Ойбек*, *Рисзулбек*, *Улугбек*, *Ўрмонбек*, *Ҳожибек*, *Шоимбек*, *Маппагон*, *Мирзо*, *Мирзобек*, *Ботирхўжа*, *Ҳўжа Ахмад Вали*, *Авазбой*, *Орифбой*, *Ботирбой*, *Бойбўта*, *Жумабой*, *Мелибой*, *Тўлабой*, *Тошбой*, *Узоқбой*, *Ўринбой*, *Қўқонбой*, *Қулибек* каби.

3. Киши исми ва лақаби асосида шаклланган ойқонимлар: *Каримдевона*, *Девонабува*, *Холдевна*, *Муродқўса*, *Қўсақшилоқ*, *Ҳасанқора*, *Қурбонқашқар* ва бошқалар.

4. Киши исми ва амал номи билан ифодаланган ойқонимлар. Ўтмишда мансаб номлари кўпинча амал эгасининг номига қўшилиб айтилар эди. Масалан, *Қурбонжон додоқ*, *Додоқ*, *Бобожон понсод*, *Донсодтўли* каби.

5. Киши исми билан географик терминнинг бирикуви орқали ясалган ойқонимлар. Бу гурпуга мансуб бўлган антропоойқонимлар шахс номларига асосан кишлоқ, маҳалла, кўрғон, кўрғонча, гузар, овул, тепа, жар, кент, дашт, чўл, орол, равот, майдон сингари терминларни қўшиш орқали ифода қилинган: *Ҳайитқишлоқ*, *Султонқишлоқ*, *Ризамҳалла*, *Пўлаткўрғон*, *Юсуфқўрғонча*, *Ҳасанкўрғонча*, *Бегимжонтена*, *Ҳошимдашт* *Дашт* *Ҳасан*, *Дашт* *Ҷўлон* қабилар.

6. Киши исми билан чек сўзининг бирикувидан тузилган ойқонимлар, асосан Фарғона водийси ҳудудида кўп учрайди. Чек дейилганда кўпинча кимгадир қарашли хусусий ерлар тупунилган. Бу хил хусусий ерларда ташкил топган кишлоқ, маҳаллалар кейинчалик ҳам чек компоненти билан юритилган. Чек атамаси билан боғлиқ номлардан *Ахмадхўжачек*, *Бобочек*, *Насриддинчек*, *Исмойилчек*, *Мағмурдчек*, *Усмончек*, *Дўснатчек*,

*Жумабойчек*, *Чекмирзабод*, *Чексарой*, *Чекшириф*, *Чекийўра*, *Чекобод*, *Чекжўрабек* каби кишлоқлар Фарғона вилоятида учрайди.

7. Киши исмига «обод» аффиксидини қўшиш орқали ясалган ойқонимларга *Азимобод*, *Бекмирзабод*, *Ғаниобод*, *Зафаробод*, *Исламобод*, *Йўлдошобод*, *Матқўлобод*, *Мирзабод*, *Сатторобод*, *Саломжонобод*, *Усмонобод*, *Хайдаробод*, *Қайқубод* каби кишлоқ ва маҳалла номлари мисол бўлади.

8. Киши исмига «бобо», «ота», «азиз» сўзларидан бирининг қўшилиши асосида вужудга келган ойқонимлар: *Боботархон*, *Бобовасий*, *Бобокалон*, *Гарбобо*, *Каримбобо*, *Фозилбобо*, *Кулбобо*, *Алтиазарота*, *Кукпўлиота*, *Мустофақўлота*, *Оқота*, *Ҳожията*, *Хизирота*, *Ялонғочота*, *Азизтена*, *Сўфизизлар*, *Саткаказиз* ва бошқалар. Бу номлаги антропоойқонимларнинг ўша жой табиғатини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги диний - илоҳий вазифаси ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бундай топонимларнинг экотопонимик функциясини пухта ўрганиш ва таҳлил этиш зарур.

Бутунги кунда маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, боғлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига, қорхоналар, муассасалар, ташкилотларга, физик-жўтрофий, геологик, табиати муҳофаза этилдиган ва бошқа объектларни кишилар исми билан аташга энг зарур ҳоллардагина рухсат бериш мақсадга мувофиқ. Бу билан жой номларининг кўп марта, такрор ўзгартрилишини олди олинади.

## ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ ТУРМУШНИ АКС ЭТТИРУВЧИ ОЙКОНИМЛАР

Аҳоли масканларини номланишида халқнинг иқтисодий турмуш тарзи - шугулланувчи касб-кори, хўжалик фаолияти муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Қадимда хунарамандчилик билан боғлиқ бўлган жой номлари кўпроқ маҳаллаларга берилган бўлиб, вилоят кишлок ва шаҳарларида *Астарбоф, Бахмалбоф, Бузачи, Бўйрабоф, Дегрез, Йўрмадўз, Кулалон, Кўнчилик, Парташабоф, Пичоқчи, Пустиноўз, Тандирчи, Усталар, Қамчинбоф* каби жой номлари қайд этилади.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган *Дехқонобод, Доимобод, Мехнатобод, Пахтакор, Пахтачи, Пахтақайнар, Пахтачун, Пиёзчилик, Пиллакор, Ғаллакор, Бодомзор, Бехизор* каби кишлоклар мавжуд. Вилоятда қайта ишловчи маҳаллий ишлаб чиқариш корхонаси номи билан боғлиқ бўлган *Тегирмонбози, Қўштегирмон, Тўтжувоз, Сувжувоз, Ёғжувоз, Хумдон* каби кишлоклар бор.

Ўзбекистонда кишиларнинг иқтисодий турмушида савдонинг аҳамияти юқори бўлган. Савдо мазкур худуднинг гуллаб яшнашига таъсир ўтказган. Шунинг учун "бозор" ибораси топонимлар таркибига кўп тарқалган. Фарғона вилоятидаги топонимлар орасида *Бозор, Бозорайин, Ғалабаққоқлик, Ёғбозори, Сарибозорча, Устабозор, Янгибозор* кишлоклар номи савдога нисбат бериб қўйилган.

Аҳоли масканлари орасида кишиларнинг мулкий даражасини ( бой), жамиятдаги мавқеини, табақасини (бек, хўжа, дарвеш, эшон, пир, мулла, сўфи) билдирувчи сўзлар билан ясалган жой номлари ҳам анчагина ташкил этади. Бу ҳақда қўлланمانинг антропонимлар бўлимидан ва топонимик лугатдан батафсил маълумот олиш мумкин.

## ЖОЙЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА ҚАЙТА НОМЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚДА

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани каби ушбу соҳада ҳам ўз миллатимиз, мустақил давлатимиз манфаатлари нуктаи-назаридан келиб чиқиб туб ўзгаришлар амалга оширилди. Фарғона вилоятида ҳам кўплаб жой номлари ўз халқимиз, миллатимиз манфаатлари нуктаи назаридан келиб чиқиб ўзгартирилди. Уларни илмий асосда ўрганиш, маъносини аниқлаш, топонимик хариталарни тузиш, такрорий (адаш) номлар пайдо бўлишига йўл қўймастик, тўғри ёзиш, кўрсаткичлар билан таъминлаш, келажак авлодлар учун асраб қолишга қаратилган миллий топонимик сиёсат юритила бошланди. Мазкур сиёсат тамойилларидан келиб чиқадиган вазифаларни мукаммал бажариш кўп жиҳатдан вилоят ва туманларда тузилган топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия фаолиятига боғлиқ. Бу комиссия фаолиятини тўғри ташкил этишда шу соҳадаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни аҳамияти катта. Шунинг учун қўлланмада "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва номларини ўзгартириш масалаларини хал этиш тартиби тўғрисида"ги, 1996 йил 30 августда қабул қилинган (№276-1 сонли) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 август 2004 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида"ги №383 Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси мажлисининг 2006 йил 13 декабрдаги ва 2009 йил 14 апрелдаги мажлислари баёни берилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШ, ТОПОНИМИК  
ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ  
НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ  
ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ Тўғрисида

Ушбу Қонун вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни кўчириш ҳамда аҳоли пунктларини шахар, шаҳарчалар туркумига ўтказиш, маъмурий-худудий birlikлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг тарихий қисмларига, шунингдек қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жўғрофий, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди.

1. ВИЛОЯТЛАР, ТУМАНЛАР, ҚИШЛОҚЛАР,  
ОВУЛЛАРНИ ТУЗИШ ВА ТУГАТИШ

1-модда.

Вилоятларни тузиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

2-модда

Туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларни тузиш ва тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг тақлифига мувофиқ Жўқорги Кенгес томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 69-модда).

3-модда

Қишлоқлар, овулларни тузиш ва тугатиш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса-Жўқорги Кенгес томонидан амалга оширилади.

II. ҚОРАҚАЛПОғИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР,  
ТУМАНЛАР, ҚИШЛОҚЛАР, ОВУЛЛАРНИНГ  
ЧЕГАРАЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

4-модда

Қорақалпоғистон Республикасининг чегараси фақат унинг розилиги билан Жўқорги Кенгес қарорига асосан Олий Мажлис томонидан ўзгартирилиши мумкин.

5-модда

Вилоятлар ва туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг тақлифига мувофиқ Жўқорги Кенгес томонидан амалга оширилади.

6-модда

Қишлоқлар ва овуллар чегарасини ўзгартириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўқорги Кенгес томонидан амалга оширилади.

III. ҚОРАҚАЛПОғИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР,  
ТУМАНЛАР, ҚИШЛОҚЛАР, ОВУЛЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ  
МАРКАЗЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА КЎЧИРИШ

7-модда

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ва кўчириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан Жўқорги Кенгес томонидан амалга оширилади.

Вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

## 9-модда

Туманлар, кишлоклар, сувларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўкорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

#### IV. ШАҲАРЛАР БЎЙСУНУВИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ШАҲАР, ШАҲАРЧАЛАР ТУРКУМИГА КИРИТИШ

## 10-модда

Республика (Қорақалпоғистон Республикасида), вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қанда тарихида, қанда ўттиз минг аҳолиси бўлган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истикболли, иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин.

Шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларни республика (Қорақалпоғистон Республикасида) бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг тақлифига мувофиқ Жўкорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

## 11-модда

Туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қанда тарихида, қанда етти минг аҳолиси бўлган, саноат корхоналари ва ривожланган инфраструктураси мавжуд шаҳарчалар, аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

Шаҳарчаларни, аҳоли пунктларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг тақлифига мувофиқ Жўкорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

## 12-модда

Шаҳарчалар туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган ҳамда қанда тарихида қанда икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

Аҳоли пунктларини шаҳарчалар туркумига киритиш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан амалга оширилади.

#### V. ШАҲАРЛАР, ШАҲАРЧАЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА КЕНГАЙТИРИШ

## 13-модда

Шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг тақлифига мувофиқ Жўкорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.



Корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, ушбу вилоят, Тошкент шаҳри ҳудудига жойлашган бошқа объектларга бериб бўлинган номларни бериш, шунингдек тегишли вазирлик, идоранинг бошқа ташкилотларига бериб бўлинган номларни беришга руҳсат этилмайди.

1

#### **Х. ФИЗИК-ЖҲҒРОФИЙ, ТАБИАТИ МУХОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМИНИ ҲАҚИДАГИ ҚОИДАЛАР**

**24-модда**

Физик-жўгрофий объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тақдимномасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

**25-модда**

Геологик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг тақдимномасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

**26-модда**

Табиати муҳофаза этилаётган объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимномасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

**27-модда**

Монументал санъат асарларига ном бериш, уларга оид тағсўз матнларини тасдиқлаш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилади. (ЎЗР 03.12.2004 й. 714-П-сон Қонуни таҳриридаги модда матни)

#### **Х. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИГА, ҚОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ФИЗИК-ЖҲҒРОФИЙ, ГЕОЛОГИК ВА БОШҚА ОБЪЕКТЛАРГА ОДАМЛАРНИНГ НОМИНИ БЕРИШ**

-52-

**28-модда**

**Бехизор** - вилоятда кенг тарқалган жой номларидан бири. Ҳисмлилик ва дарахт номлари билан аталадиган аҳоли манзилгоҳлари кўп такрорланиши кузатилади. Бундай фитоойконимлар таркибидоғ-зор кўшимчаси маълум турдаги ўсимликни шу ерда кенг тарқалганлигини билдиради. Вилоятда *Анжирзор*, *Бодомзор*, *Гулзор*, *Дўлсанзор*, *Қайрағочзор*, *Кўканамзор*, *Кўчатзор*, *Лиманзор*, *Лолazor*, *Мевазор*, *Нокзор*, *Олмазор*, *Олчазор*, *Геракзор*, *Токзор*, *Толзор*, *Тулзор*, *Узумзор*, *Ўрикзор*, *Чаманзор*, *Чилонзор*, *Шафтомлзор*, *Юлгинзор* каби кишлоқ ва маҳаллалар номи кайд этилади. Бу номлардан *Бехизор*, *Мевазор* 3 мартадан, *Узумзор* 5 марта, *Бодомзор* 7 марта, *Гулзор*, *Олмазор*, *Ўрикзор* 10 мартадан такрорланади.

**Бешарик** - вилоятдаги туман ва туман марказининг номи. Қадимда аҳоли сувсизликдан қийналиб ариқ казиб, Равот томонидан сув олиб келинган, шодланиб бу ариқни «Бешит ариқ» деб номлаганлар, кейинроқ бу ерни Бешарик деб талаффуз қила бошлаганлар. Яна бир вариантда эса сувсизликдан қийналган халқ Сирдарёдан бешта ариқ орқали сув ўтказиб ичганлар, шунга боғлиқ ҳолда Бешарик деб номланган дейилади, бу ном гидронимларни сон-саногига хараб айтилган. Бундай жой номларига *Учарик*, *Олтиарик* кабиларни киритиш мумкин. Сувнинг рангига кўра *Оқарик*, *Қораарик* ернинг тузилиши ва оқим телигига кўра *Қумарик*, *Тошарик*, *Дамарик*, *Жарарик* ёки объектнинг кимгадир мансублигини, казилган вақтини билдирувчи *Қилчоқарик*, *Ҳотинарик*, *Ҳўсарик*, *Янгиарик* каби жой номлари учрайди. Э. Мурзаевнинг (1984) ёзишича, ариқ сўзи ариқ сўзидан олинган бўлиб иккига бўлинган, ажратилган деган маънони англатади.

**Бешбола** - Фаргона шаҳар кенгашига кирувчи кишлоқлардан бири. Кўнгрот кабиласининг кичик бир гуруҳи бешбола деб аталган. Республикада бу этнонимни жой номи

сифатида 10 мартагача такрорланиши кайд этилади (Қораев, 1998). Баъзи тадқиқотчилар топоним форсча «Бодо» сўзидан олинган бўлиб «Тепалик, баландлик» деган маънони беради деб ёзадилар. Бундай ёндашувда Бешбола «Тепа олдидоғи кишлоқ» деган маънони англатади (Дусимов., 1977). Вилоятимиздаги Бешбола кишлоқининг географик ўрнини (рельефини) ўрганш, бу номни этноним (уруғ номи) деб изоҳлаш ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Вилоятда *Беш ога*, *Бешсари*, *Бешогайни*, *Бешкал*, *Бешкалтак* каби жой номлари кайд этилган, уларнинг кўпи этноним -уруғ номидир.

**Бешкапа** - Фаргона водийсида кенг тарқалган жой номларидан бири. Қамишдан ясалган, усти сомонли лой билан суवालган уйлар-капа дейилган. Бешкапа-бешта капа маъносидадир. Беш капа бора-бора уруғ номи - этнонимга айланган. Вилоятда *Бешкапа*, *Капа*, *Капасарой*, *Капасанги*, *Капта Бешкапа*, *Кичик Бешкапа*, *Паски Бешкапа*, *Юқори Бешкапа* каби кишлоқ ва маҳаллалар бор.

С.Қораев (1998) капа сўзи республикада жой номи сифатида 40 мартага яқин такрорланишини, унинг асосий қисми Фаргона водийсида эканлигини ёзади.

**Бешсари** - Бешарик туманидаги кишлоқ номи, Наманган вилояти Поп туманида ҳам шу номдаги кишлоқ кайд этилган. Сари килчоқларнинг бир уруғи бешсари деб аталган (Қораев., 1987).

**Бештерак** - Бувайда туманидаги кишлоқ номи. Ҳисмликларни камлиги ёки санокли эканлигини, бироқ шу ҳудуд учун характерли белги вазифасини ўтаганлиги учун қўйладиган ном (Охунов., 1989). Бундай номлардан вилоятда *Чорбоз*, *Яккатут*, *Қўшчино* кабиларни, кўшимчасиз *Ўзақ* ҳолида ишлатиладиган *Арча*, *Райсон*, *Сада*, *Қайрағоч* номли кишлоқларни келтириш мумкин.

**Боғиш** - Данғара туманидаги кишлоқ номи. Уруғ номидан олинган бўлиб *Ариқ боғиш*, *Учбоғиш*, *Ҷўнбоғиш*, *Қорабоғиш* каби этнонимлар Фаргона водийсининг шарқий, шимолӣ шарқий, марказий қисмларида кенг тарқалган (Губаева., 1983).

**Бозорбоши** - Олтириқ ва Ўзбекистон туманларидаги кишлоқ ва маҳаллалар номи. Ўрта Осиёда кишиларнинг иқтисодий турмушида савдо ва транспортнинг аҳамияти юқори бўлган. Савдо мазкур хулуднинг гуллаб яшнашига таъсир ўтказган. Шу биле "бозор" ибораси топонимлар таркибиде кенг тарқалган. Вилоятда *Бозор, Бозорайман, Ёзбозори, Сарибозорча, Устабозор, Янгибозор* каби жой номлари мавжуд.

**Бой** - вилоятда кенг тарқалган жой номларидан бири, ушбу масқанда яшаётган кишиларни мулкий ҳолатига нисбатан ёки бирор кишига қўйиладиган исм номидан жой номлари ҳосил қилинган. *Боймаҳалла, Байрун, Ботирбой, Жумабой, Катта-байбўғуча, Мелибой, Тулабой, Тошбой замини, Узоқбой, Ўринбой, Қўнбой* каби жой номлари шулар жумласидандир.

**Боғалиқ** - Кува туманидаги кишлоқ номи. Этимологияси маълум эмас. Ўзбекчада фарзанди, гўдақ чақалоғи бор аёлга нисбатан ишлатиладиган ибора. Кишлоқ хулудидеги кўп йиллик қайрағоч дарахтига нисбат бериб шундай номланган бўлиши ҳам мумкин.

**Боғтақўл** - Охунбобоев туманидаги кишлоқ номи, уруғ номидан олинган деган фикрлар бор. Бирок, бу сўз кўл қотловинасининг шаклидан олнган бўлиши ҳам мумкин. Вилоятдаги *Аччиқўл, Дамқўл, Қўлбўйи, Қўларик, Қоракўл, Ойдинқўл* каби жой номларини пайдо бўлишида кўл сўзи асосий ўринни эгаллайди.

**Бочқир** - Бувайда туманидаги кишлоқ. Айримлар кишлоқ номи «Бос» ва «Қир» сўзларидан таркиб топган дейишади. Бу ерга араблар бостириб кирганда халқ босқинчиларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатади, араб саркардаси халқни «Босиб, кириб ташла» деб буйруқ берганидан кишлоқ шундай аталган эмиш. Баъзилар кишлоқ Бож тир - «Солиқ сол» деган маънони аңлатади, дейишади. Тўғриси - Бочқир кишлоғи бошқирд этноними билан аталган. XVII-XVIII асрларда ана шу кишлоқда бошқирдлар яшаган (Қореев., 1978).

**Бувайда** - вилоятдаги туман ва кишлоқ номи. Шох Жамолнинг синглиси Биби Хувайдо номи билан аталган,

дейишади. Бу галда жон борга ўхшайди. Чунки, кишлоқда XV-XVI асрларга оид бўлган Бибухувайдо макбараси бор.

**Буйрак** - Бувайда туманидаги кишлоқ номи. Топонимнинг кишилар орасида у «Буйракка ўхшаш» бўлганлиги учун шундай аталади деган изоҳнинг ҳеч қандай асоси йўқ. Буйрак «байри» ва «-ак» (кичрайтириш маъносини билдирувчи қўшимча) аффикси орқали ясалган. «Байри» «Бекаг, Тўхташ жой» деган маънога эга. Буйрак ёки Байрак «Кичик бекаг» демақдир (Дўсимов., 1977). С.Қореев (1978) эса Буйрак уруғ номи эканлигини ёздилар.

**Булоқбоши** - Қўқон шаҳридаги маҳалла ва Риштон туманидаги кишлоқ номи. Аҳоли масқани булоқнинг бошланиши томонидан бўлганлиги учун шундай номланган. Булоқбоши сарчашма сўзининг ўзбекчасидир. Булоқбоши номи ўзбек уруғи ҳам бор (Қореев., 1970).

Э.Мурзаевнинг ёзишича, бу сўз «охмоқ», «аралашмоқ» феълидан олинган (1984). Булоқнинг характерини, шаклини, сонини, эгасини ифодаловчи сўзлар қўшилиб кўллаб жой номлари ҳосил бўлган, жумладан, *Еттибулоқ, Зарбулоқ, Оқбулоқ, Тўқизбулоқ* каби жой номлари «булоқ» сўзи билан боғлиқ.

**Бўжай** - Фарғона вилояти Риштон туманидаги кишлоқ. У ерда яшовчи маҳаллий аҳоли мазкур атамани бу- жой сўзларининг ўзаро бирикувидан вужудга келган деб изоҳлайди. Лекин, этнографияга оид адабиётларда Қирғизларнинг бир уруғи бўжай деб юритилганлиги қайд этилган. Кишлоқ шу уруғ номи билан аталган бўлиши эҳтимоли бор. (Охунов., 1984).

**Бўстон** - вилоятда ўн мартадан кўпроқ такрорланадиган кишлоқ ва маҳаллалар номи. Фарғона - Ёзёвон - Кува оралиғида яшовчи қирғизларни бўстўн (бўз-тўнли) уруғи вакиллари кенг тарқалган жойларда шу номли кишлоқлар бор (Губаева., 1983). Албатта, ҳамма Бўстон топонимлари уруғ номидан олинган- этноним деб ўйлаш ҳато. Бўстон сўзи ўзбек тилида "яшнаган бoғ" маъносинда ишлатилишини ҳам эътиборга олиш лозим.

**Бўтқачи** - Ёзёвон туманидаги кишлоқ номи. Бўтқачи қирғизларнинг ичкилик гуруҳи таркибига кирувчи найман қабиласининг бир тармоғи бўлган (Губаева, 1983). Уруғ номи асосида кишлоқ номи вужудга келган. Батъин адабиётларида бу кишлоқ аҳолиси ширин-ширин бўтқа пишириб, меҳмонларни кутганидан шу ном келиб чиққан деб юритилади (Охунов, 1989).

**Бўрбалик** - Олтиариқ туманидаги кишлоқ. Топонимнинг "бўрилар шаҳри" деган этимологияси номнинг ташки ўхшашлиги асосида вужудга келган. Баллиқ сўзининг аҳоли яшайдиган маскан, кишлоқ маъноси бор. Бўр сўзи "экин экилмайдиган бўз, партов ер" деган маънони билдиради. Бунда Бўрбалик сўзи "бўз, партов ердаги кишлоқ" деган маънони беради (Дўсимов, 1977). Бўр сўзининг орол маъноси ҳам борлигини эътиборга олган ҳолда ушбу топоним этимологиясини яна таҳлил қилиш лозим.

**Валик** - Қувасой шаҳар кенгашига қарашли кишлоқ. Номнинг этимологияси маълум эмас. Геоморфологияда уйиб ясалган кўтарма, баландлик вал деб аталади. Рус тилидаги завал, увал, обвал каби сўзлар ҳам уйум, тўп, тала, ўприлиш, кулаш деган маънони англатади. Эҳтимол, кишлоқ атрофидаги жой рельефини ўрганиш орқали ном маъносини очиш мумкин бўлар.

**Вақф чорсу** - Қўқон шаҳридаги маҳалла номи. Вақф арабча сўз бўлиб, мулкдор томонидан диний муассаса ихтиёрига даромаддан фойдаланиб туриш, аммо ўзини сотмаслик шарти билан васият қилинган мулк (ер-сув, бино, савдо расталари, тегирмон...). Чорсу тўрт кўча кесишган жой, бозор маъносиде ишлатилади.

**Варзак** - Тошлоқ туманидаги кишлоқ номи. Бу ном мутахассислар томонидан турли хил изоҳланади. С.Қорасев (1978) варз тожикча "экин", "зирағ" эканлигини, варза "деҳқон" деган маънони билдиришини ёзди. Бунда варзак сўзини "экинзор" маъносиде тушуниш мумкин. Э.Мурзаев (1984) варз сўзини "баланд", "юқори" деган маъносини айтса, З.Дўсимов (1977) бу сўзни "агрофи ўралган баланд кўрғон" ни англатишини ёзди.

**Водил** - Фарғона тумани маркази. Кўпчилик «очик кўнгил» (во-дил) деб ифодаласа, баъзилар Водил «кўнгилни хуш қиладиган, кўнгилни очадиган» жой деган маънода деб тушунтирадилар. Илмий тадқиқотларда арабча «водий» сўзи билан боғловчилар ҳам бор, арабча водий-сой, дарё сўзидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин. (Қорасев, 1970). Қишлоқ Шохимардонсой дараси оғзида, жойлашган. Дарё шу дарадан ўтгач, «очик кўнгиллик» билан кўллаб жойларга сув беради. Қишлоқ номи ана шундан олинган дейишади.

**Воҳим** - Риштон туманидаги кишлоқ номи. Воҳим «васият қилинган, инъом қилинган, бағишланган» маъносидеги арабча «вақф» сўзининг жонли тилда бузилган шаклидир. Бу термин *Вақф*, *Вақиф*, *Воҳим*, *Вақм*, *Увақм* каби шаклларда бир канча жой номлари хосил қилган (Қорасев, 1978).

**Гаримдон** - Охунбобоев туманидаги маҳалла номи. Гарим тожикча иссиқ, жазирама деган маънода ишлатилади. Иссиқ жой маъносиде ишлатилган бўлиши мумкин. С.Губаева (1983) бундан 175 йил аввал Фарғона водийсига Гарм аҳоли масканидан кўчиб келган тожиклар ҳақда ёзди.

**Гузар** - вилоятда кенг тарқалган жой номи ёки ном таркибиде ишлатилдиган термин. Шаҳар, кишлоқ ва маҳаллаларда кўчалар кесишган, чорраҳаларда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш расталари бўлган гавжум, серкатнов, обод жой гузар деб аталган. Бундан ташқари сувдан ўтадиган жой (кечув), довон, бирор объектни кўп бўлишини билдирувчи маънолари ҳам бор. *Арабгузар*, *Ахшакгузар*, *Гузарбоши*, *Исфаргузар*, *Новоқилгузар*, *Сойгузар*, *Тошкенлигузар*, *Эмонгузар*, *Қаймоқлигузар* каби номлар Фарғона вилоятда кайд этилади.

**Гулистон** - вилоятдаги кишлоқ ва маҳаллаларга ўн мартадан ортик такрорий кўйилган ном. Яшнаган, обод, боғ-бўстонлар билан қопланган маскан, ўлка деган мазмунга эга. Янги ўзлаштирилган ҳудудларда *Чулуқлистон* номи кенг тарқалган.

**Гуллийён- Фаргона** туманидаги кишлок номи. Илмий этимологияси маълум эмас. Аҳолисини миллий таркиби асосан тожиكلардан иборат.

**Гулшан- вилоятдаги** кишлок ва маҳаллаларга қўйилган ном. Гулзор, чаманзор маскан маъносиди.

**Говхона** - Бағдол туманидаги кишлок. Тожик тилидаги гов-сигир, хона-жой деган изоҳ топонимнинг ташки кўриниши асосида вужудга келган «халқ этимологияси»дир. Аслида номнинг биринчи қисми «об» сўзининг фонетик варианты, говхона-сув сақлагич ёки сув омбори деган маънони билдиради. (Дўсимов., 1977).

**Дангара** - вилоятдаги туман ва туман марказининг номи. Номнинг илмий этимологияси номмаълум. Халқ этимологияси ишончсиз.

**Дашт** - вилоятда кенг тарқалган топонимлардан бири. Дашт аслида географик термин бўлиб, «дала, овлоқ жой», «тошлоқ чўл» маъноларида ишлатилади. Ана шундай овлоқ, очик жойлардаги кишлоқлар дашт деб юритилади. Баъзи ҳолларда бу сўз топоним таркибида ҳам учрайди, масалан, *Даштмахаша, Даштхасан, Даштчўпон, Даштиқитиқоқ* (Дўсимов., 1977; Охунов., 1989).

**Дегрезлик- Кўкон** шаҳридаги маҳалла номи. Форс-тожик тилида чўяндан хўжалик буюмлари ясайдиган усталар яшайдиган жой маъносини билдиради.

**Дехвайрон- Сўх** туманидаги маҳалла номи. Дехвайрон ва Дехмурсад каби аҳоли манзилгоҳларини номдаги "деҳ" ибораси кишлок маъносини аниқлатади.

**Долдох** - Бувайда туманидаги кишлок номи. Кўкон хонлигида «долдох»-сарой лавозимларидан бири бўлиб, бу мансабдаги шахс қалъа бошлиғи, Шунингдек, қозихона ишлари устидан назоратчи вазифасини бажарган. Хонлиқнинг XIX асрта онд хужжатларида *Абдурахим долдох, Абдуллабек долдох, Отабек долдох, Аиурбек долдох, Гадойбой долдох* каби номлар учрайди. С.Корасевнинг (1970) ёзишича, бу сўз форсча бўлиб, «адолат талаб қилувчи», «адолатпарвар» каби маъноларни аниқлатади.

**Дўрмон** - Охунбобоев. Бағдол туманларидаги кишлоқлар номи. Дўрмон XVI-XVII асрларда Даштиқитиқоқдан келган ўзбек қабиаларидан бири. Бу кишлоқлар Дўрмон ва Дўрмонча шақлларда талаффуз қилинади. Мўғулча дўрбун (дўрба)- "тўрт" деган маънони билдиради. (Қораев., 1978., Охунов., 1989 ). Дўрманлар Зарафшон водийсида, Сурхондарё ва Тошкент воҳаларида, қисман Хоразмда яшаган. Дўрмон қабиласининг кўйли, увок, уч уруғ, кўкчелак, саксон, нўғой, гурдак, ойтамғали каби уруғларн бўлган. Бу кишлоқлар номи Дўрман ва Дўрмон шақлларда талаффуз қилинади.

**Ёёвон** - вилоятдаги туман ва туман маркази ҳамда Марказий Фарғонадаги чўл номи. Бу ном халқ этимологиясида «ёзи ёмон, иссиқ» деб изоҳланади. Аслида эса бу топоним таркибидаги хар иккала сўз «ёз» ҳам «ёвон» ҳам «чўл, дала, текислик» демакдир. Топонимнинг халқ орасидаги изоҳлари жойнинг ташки кўриниши асосида вужудга келган. Бу номнинг ёз (фасли) сўзи билан алоқаси йўқ. Ёз ёки ёзи М.Қошгарийнинг ёзишича, «бўшлик, очиклик, чўл, ёвон «дашт, текислик» деган маънони билдиради. Хоразм шеваларида «ёвон»хозир ҳам «кишлоқ, шаҳардан узок жой» маъносиди қўлланилади. Шундай қилиб, кишлоқ номи чўл номи асосида вужудга келган. (Дўсимов., 1977; Қораев., 1970; Охунов., 1989).

**Ёйилма** - Риштон туманидаги кишлок номи. Бу номдаги кишлоқлар Фарғона туманида, Андижон вилоятининг Андижон туманида ҳам бор. Марғилон шаҳридаги маҳаллалардан бири ҳам Ёйилма деб юритилади. Бу сўз аслида туркий тилларга хос бўлиб, кенг деган маънони билдиради. Айрим ўзбек шеваларида хозир ҳам Ёйлам, Ёйилма маънони ифодалаш учун қўлланилади. Н.Охунов ёзишича(1989) Ёйилма аслида географик атама бўлиб, ёйилмоқ фезлидан олинган. Дарё, сой, арик сувнинг кенг, текис жойдаги оқими ёйилма деб аталади.

**Ёрдон- Фарғона** туманидаги кишлок номи. Ёр сўзи "жар" маъносини аниқлаши ҳақда куйида айтилган. Дон кўллик маъносиди ишлатилган бўлиши мумкин. Масалан, Бордон, *Гаримдон, Зоҳидон, Мингдон, Рошидон* каби.

**Ёрмозор** - Фаргона шаҳар кенгашига қарашли қишлоқ. Топоним икки сўздан ёр ва мозор сўзларидан келиб чиққан. Топоним таркибидagi ёр сўзи «жар» маъносини англатишини булдан қарийб 10 аср олдин М.Қошғарий айтиб ўтган эди. «Жар» сўзининг «ёр», «яр» шаклида талаффуз этилишидан Фаргона водийсида *Ёрбоши*, *Ёртеле*, *Ёрқатой*, *Ёрқин*, *Ёрқиллоқ*, *Ёрқўрган*, *Оқжар*, *Оқёр*, *Қуёганёр*, *Кўкёр*, *Ёртағи*, *Ёрқўча* каби жой номлари вужудга келган. Мозор - Ўзбекистонда топонимлар таркибидa кўп учрайдиган термин. Бу сўз арабча бўлиб, лугавий маъноси «сининиш жойи» дeмақдир. Жой номларини танлашда яхши ориентир (мўлжал) вазифасини бажариб, сақланиш вақти узoқ бўлганлиги учун кўп номлар таркибидa учрайди. Масалан: *Арабмозор*, *Бузимозор*, *Кўкмозор*, *Мозорбоши*, *Мозортағи*, *Оқмозор*, *Сармозор*, *Теракмозор*, *Толмозор*, *Хизирмозор*, *Хурмозор* ва бошқалар.

**Жалойир** - Бувайда туманидаги қишлоқ номи. Жалойир-ўзбек, қозoқ, қирғиз ва қоракалпоқлар таркибига қирган турк-мўғул қабиласи. Ўзбеклар таркибига қирган Жалойирлар Фаргона, Тошкент, Бухоро воҳаларида яшаган. Жалойирлар 2 та йирик қайчили ва болғали уруғларига ҳамда майда уруғларга (*қарғали*, *бошқир*), *қораабдал*, *қоракўл*, *қорачилон*, *қуқулдоқ*, *жастабан*) бўлинган. (Дўсимов, 1977; Қораев., 1978).

**Жанг** - Фурқат туманидаги маҳалла номи. Вилоятимизда жанг сўзи қатнашган жой номлари кўп учрайди. Масалан, *Жангкечмон*, *Жангкент*, *Жангчилар*, *Жангир* каби. Мазкур топонимлар таркибидaги жанг сўзи ўзбек тилида қонли олишувни аңглатади, бироқ ушбу номларнинг ҳар бири чуқур илмий таҳлилга муҳтож.

**Жарқишлоқ** - вилoятнинг Бешарик, Бағдод, Данғара, Тошлоқ туманларида шу номли қишлоқлар бор. Жар асли географик атама бўлиб, тоғ этаги қияларида, замини юмшоқ текисликларда қўллаб учрайдиган, оқар сувлар ерни юзиб кетиши натижасида ҳосил бўлган чуқурликлардир. Жар умуман «чуқурлик, пастлик» маъносини ҳам ифодалайди. «Жар» сўзи

қўшилишидан *Аноржар*, *Жаманжар*, *Жарарик*, *Жарбоши*, *Жарқўрган*, *Оқжар* каби қишлоқ номлари яратилган.

**Жўйдам** - Фаргона шаҳридаги маҳалла номи. Атамани «жойи дам» яъни «дам оладиган, истироҳат қиладиган жой» тарзида изоҳланиши у қадар тўғри эмас. Аслида номнинг биринчи қисми «арик» маъносини ифода қилувчи тожикча «жўй» сўзига алоқадор. Жўйдам-айнан «дам арик» дeмақдир. Арик сувининг секин, дамлианиб оқиши ҳолати мазкур жойнинг шундай номланишига асос бўлган.

**Жўрак**- Олтиарик туманидаги қишлоқ номи. Этимологияси маълум эмас. Юрак сўзини шевада айтилиши бўлиши мумкин. Юрактепа - шакли юракка ўхшаш тепалик деган маънони аңглатади.

**Занғат**- Сўх туманидаги маҳалла номи. Анча қадимий номлардан бўлсада илмий этимологияси аниқ эмас.

**Заркент** - Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Топонимнинг биринчи қисмидаги «зар» тожикча «сар» сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, «юқори, баланд, тепа» маъносини билдиради, «кент» эса «қишлоқ» дeмақдир. Демак, Заркент баландликдаги қишлоқ, тепаликка жойлашган қишлоқ маъносини аңглатади. (Охунов., 1994; Қораев., 1978; Дўсимов., 1977).

**Зарҳал** - Олтиарик туманидаги маҳалла номи. Бронза ёки олтин суви юритилган ёзув ёки нахш шундай аталади. Зардек нурафшон маҳалла маъносидa бўлиши мумкин.

**Зилха** - Олтиарик туманидаги қишлоқ. Сўзнинг илмий этимологияси маълум эмас. Кавказ тизмасида Зилға - номли чўкки қайд этилади.

**Золиён** - Риштон туманидаги қишлоқ. Асли Зоҳидон бўлиб «Зоҳидлар» тарқи дунё қилган қишлоқлар» маъносидa деб ҳисоблайдилар. Тожикча он (-ён), ўзбекча-лар қўшимчалари топоним ясовчи аффикслардир (Қораев, 1970). Вилоятда қишлоқ исмидан Зебинисо (зёллар қўрқи, безағи, хури париси), Зоҳирий (арабча қўриниб турган, ошқор бўлган), Зулфия (тожикча жингалак сочли қиз) қабилалардан ҳам жой номлари ясалган.

**Ибрат-** Фаргона шаҳридаги маҳалла номи. Вилоятда бир неча марта такрорланган жой номларидан бири. Арабчада *Ибрат*- намуна, ўрнат деган маънони билдиради. *Икром* - иззатли, хурматли, *Ислом*- бўйсунган, итоаткор, исломни қабул қилган, *Ифтихор*- фахр, гурур, шон-шавкат, *Йўлдош*- эш, ҳамроҳ, *дўст* деб изоҳланган кишилар исмидан ҳам вилоятда жой номлари вуждуга келган.

**Ингичка** - Фуркат туманидаги маҳалла номи. Бу сўз ўзбек тилида хипча, нозик маъносига ишлатилади. Лекин мазкур топоним шу номдаги уруғ номидан олинган эканлиги айтилади. Бундай ном Республикаимизнинг бошқа виллоятларида ҳам кенг тарқалган.

**Ирголи** - Бағдод туманидаги кишлоқ номи. Топонимикада -ли кўшимчаси бирор нарса ни ушбу жойда кенг тарқалганлигини билдиради. Бу жой Иргай- ёғочи қаттиқ бутта ўсимлиги, кенг тарқалганлиги учун шундай ном олган бўлиши мумкин. З.Дўсимов ( 1997) бу номни қуш ёки уруғ номи бўлиши мумкин деб ёзди.

**Иштирхон** - Ёзёвон туманидаги кишлоқ номи. Аҳолисининг миллий таркиби тожиқлар. Сўгд тилида ишт-хашт -саккиз, хон (кан) канал, арик деган маънони билдиришини эътиборга олсақ, бу топонимни "Саккиз арик" деб изоҳлаш мумкин.

**Калвак**- Кўхон шаҳридаги маҳалла номи. Форсча калпи ёки калпи сўзидан олинган бўлиб "Тўхташ жойи, кўрик, дамба" каби маъноларни англатади. Ак - кичрайтириш кўшимчаси сифатида олинса, Калвак "кичик бекаат ёки кўприк" олдидagi жой номини билдиради (Дўсимов, 1977). Калвак сўзининг ўзбекча бефаҳм, бефарosat маъносидан топоним яратилиши мумкинлиги ҳақиқатдан узок.

**Калдушан** - Фуркат туманидаги маҳалла номи. Илмий адабиётларда этимологияси аниқ эмас.

**Канда** - Бағдод туманидаги кишлоқ номи. Н. Охунов (1989) Канда- маҳаллий гидрографик термин бўлиб, «кан» ва «д+а» (кўшимча) элементларидан таркиб топанлигини ва «ташлама» деган маънони ифода қилишини таъкидлайди.

Вилоятдаги *Ахмадканда*, *Бўжаканда*, *Кандабулоқ*, *Сариканда* гидронимларининг номланишига шу термин асос бўлган. Канда сўзининг «ўймок, кавламок» деган маъноси ҳам бор (Дўсимов, 1977).

**Каптархона** - Фаргона туманидаги кишлоқ номи. Бу ном Республикаимизда кенг тарқалган бўлиб топонимик адабиётларда икки хил маънода изоҳланади. Биринчидан, илгариги замонларда хон ва амалдорларнинг қаптар боқилдаган биналари жойлашган кишлоқларга шундай ном берилган. Иккинчидан, диний эътиқодга кўра дев ва пари санамлар кўринадиган жойлар шундай номланган.

**Каримбобо** - Бағдод туманидаги кишлоқ ва маҳалла номи. Карим сўзи арабчада - очикқўлли, химматли, саҳий деган маънони билдиrsa, топонимлар таркибига кўп учрайдиган бобо- катта ота, отанинг отаси демақдир, кўпинча улуг, улкан, мўътабар, азиз каби маъноларда ишлатилади.

**Катпут** - Олтиариқ туманидаги кишлоқ номи. Топоним таркибидagi кат термини Евросий материгида энг кенг тарқалган ва қадимги иборалардан бўлиб, Авесто ва қадимги сўгд ёзувларида тилга олинади. Уй, бошпана, кишлоқ, шаҳар каби маънони англатади. Пут ибораси - йўл, сўхмок, кўприк каби маънода ишлатилади. Катпут- йўл бўйидаги кишлоқ демақдир.

**Катта Амробод** - Дангара туманидаги кишлоқ номи, топонимикадаги нисбат қонунига асосан ташкил топган. Асосий топонимга катта ёки кичик сўзларини кўшилишидан вилоятда кўплаб жой номлари яратилган, масалан, *Катта Бежкани*, *Катта Бойбўча*, *Катта Ганжировон*, *Катта Масжид*, *Катта Оқтепа*, *Катта Қашқар*, *Катта-Кенгас*, *Катта Қишлоқ*, *Катта Қорақўл*, *Катта Кўча*, *Катта Қўштепа*, *Катта Оқмачит*, *Катта Тағоб*, *Катта Турк* каби.

**Кенагас** - Учкўрпик туманидаги кишлоқ номи. Кенагас этноойконими Ўзбекистоннинг кўп жойларида учрайди. Бу хил номлар кенагас этноними асосида ясалган. Кенагас-йирик ўзбек уруғларидан бири. Кенагасларнинг Кўхон шаҳри атрофида кўпроқ тўпланганлигини кузатиш мумкин (Губаева, 1983).

маҳалла номи. Бу номлар ҳам топонимиканинг нисбат қонунига асосан яратилган. Бундай номлардан *Кичик Бешкана, Кичик Турк, Кичик Янги, Кичик Кенасар, Кичик Тағоб* кабиларни келтириш мумкин. Топонимлар этимологиясини билиш учун номнинг иккинчи қисмига мурожаат қилиш лозим.

**Конизар** - Бағдол туманидаги кишлоқ номи. Халқ тилида Конизарар деб ҳам аталади. Ишлов берилмаган эрга нисбатан "зар қони" деб тушунтириш мумкин (*харанг-Заркент*).

**Кўмирчи** - Олтиариқ туманидаги маҳалланинг номи. Топонимикада - чи қўшимчаси одатда бирор қасб эгалари кўп тарқалган маҳалла ва кишлоқларга қўйлади. Вилоятда *Асалчи, Бўдойчи, Бўтқаччи, Илакчи, Қарнайчи, Овчи, Пичоқчи, Сандиқчи, Тақаччи, Темирйўлчи, Тўқимаччи, Қароқчи, Қурувчи* каби топонимлар кенг тарқалган. Бу қўшимча ёрдамида баъзан уруғ-аймоғ номлари ҳам аслишини унутмаслик керак.

**Қўсақкишлоқ** - Тошлоқ туманидаги маҳаллалардан бирининг номи. Халқ этимологиясида соқол - мўйловсиз кишилар яшайдиган кишлоқ деб изоҳ берилади. Аслида Қўсаққўнгирот, юз, найман қабилалари таркибидаги уруғ номидир. Бу номдаги кишлоқлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида (Жиззах, Самарқанд вилоятларида) ҳам кенг тарқалган.

**Лаңгар** - Охунбобоев туманидаги кишлоқ номи. Марказий Осиёдаги жой номлари таркибида кўп учрайдиган термин. Бу сўзнинг асл маъноси «тўхташ» бўлган ва турли жойларда, замонларда шунга яқин маъноларни билдирган. Қадимги ёзма манбаларда ва кейинги топонимик номлар таркибида «бекаг ва тўхташ жойи» маъносида ишлатилган. Шунингдек, қарвонсарой, ғарибхона, қабр маъноларида ҳам ишлатилади (Дўсимов, 1977; Қораев, 1978).

**Лоғон** - Қувасой шаҳар кенгашига кирувчи кишлоқ. Ривоятда айтишларича, қадимда Мух подшохи бўлиб, унинг юртига душманлар бостириб келганда, хотини шаҳар дарвозасини душманларга очиб беради. Бу изоҳ халқ этимологияси бўлиб илмий таҳлилга мухтож. Бу номда -он

қўпик аффикси бўлса, лоғ (лагм) сўзи туннель, коризининг ер остидаги ариғи маъносида ишлатилиши мумкин.

**Мадаминов** - Ёзёвон туманидаги кишлоқ номи. Мадамин исми арабчада ишончи, макталадиган, мактовга сазоварнинг ишончи деган маънони билдиради. Бундан ташқари Фарғона вилоятида Мирзо (қотиб, саводли), Мукумий (доимий, турғун) номи кишилар исми ҳам жой номларига қўйилган.

**Мангит** - Дангара туманидаги маҳалла номи. Шарқий Фарғонада кенг тарқалган, ўзбек миллати таркибига кирган уруғлардан бирининг номи. Сўзнинг келиб чикиши мўғилча бўлиб, "минг, минглар" деган маънони билдиради.

**Марғилон** - Урта Осиёдаги қадимги шаҳарлардан бири. Дастлаб араб географи ва сайёҳи Абу Абдуллох Муқаддасийнинг 985 йилда ёзилган "Мамлакатларни ўрганиш учун қўлланма" асарида тилга олинган. Топоним ёзма манбаларда **Марғилон**, **Марғинот** шаклида учрайди. Марғилон форс тилидаги **Марғ** "ўтлоқ" сўзи билан алоқадор деб ҳисобловчилар кўпчиликини ташкил этади. Марғилон топонимикасини ўрганган Ж.Латиповнинг фикрича, бу сўз Марғи этнонимидан олинган. Қадимги аталишидаги он ёки от қўшимчалари кўплик белгиси деб қаралса, бу сўз марғилар яшайдиган жой маъносини билдиради. Сўзнинг этимологияси эса юқорида айтилгандек "ўтлоқ, ям-яшил ер" деган маънони англатади. Шаҳар номини товук ва нон сўзларидан иборат деб изоҳланиши афсонага ўхшайди.

**Машад** - Марғилон шаҳридаги маҳалла номи. Арабча Машҳад сўзидан олинган бўлса "шаҳид қони тўкилган ёки шаҳид қўмилган жой" деган маънони англатади. Машад сўзи уруғ номи бўлиши ёки сувлик, дарёга алоқадор бўлиши ҳақдаги фикрлар ҳам айтилади.

**Минглар** - Дангара туманидаги маҳалла номи. Ўзбек миллати таркибига кирган Минг уруғига мансуб кишилар яшайдиган аҳоли масканларига қўйилган ном. Фарғона водийсида нисбатан кам тарқалган.

**Миңдон** - Фарғона туманидаги кишлоқ, этимологияси аниқ эмас. Миңдан ортжик хўжалик, уй бор деган маънода

Намуна - Охунбобоев, Кува, Фаргона туманларида кенг тарқалган қишлоқлар номи. Кишилар ўз қишлоқларини бошқаларга ўрнак, ибрат бўлсин деган мақсадда шундай номларга бўйлишлари мумкин.

Новкат - Фаргона вилоятида кўп учрайди. Нов-тожикча «Янги қишлоқ» деган маънони билдиради. Бу ном *Ноекент*, *Новобод* кўринишида ҳам учрайди. Вилоятда кишилар исмидан олинган Нодира (ноёб, химматли), Ноиб (кўмак берувчи) каби жой номлари бор.

Нурсук - Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Ном икки қисмдан тузилган, биринчи қисмидаги Нур, тоғ; "тоғ тизмаси" сўзи билан боғлиқ. Иккинчи компоненти «сук» ёки «суук» топонимияда кўп учрайдиган географик терминдир. У «ўзан, жар, сой» каби маъноларни билдиради. Нурсук «тоғ ўзани, тоғдаги ўзан» деган маънони билдиради (Дўсимов., 1977; Мурзаев., 1974).

Обносиё - Тошлоқ туманидаги қишлоқ ва маҳалла номи. Маҳаллий аҳоли томонидан Обносиё тарзида айтилади. С.Короевни (1999) ёзишча бу ном сув ёрдамида харакагга келтирилган тегирмон билан боғлиқ бўлиши мумкин. Обносиё топонимини географик термин сифатида қаралса бу қора сува яъни булоқ суви деган маънони аниқлатади.

Обшир - Сўх туманидаги қишлоқ ва маҳалла номи. Тожикча "суг сув" дегани, кўпроқ ширин ичимлик сувига нисбатан ишлатилади. Вилоятдаги *Обираҳмат*, *Обирашон*, *Обихаёт* каби топонимлар ҳам "рахмат суви", "хаёт суви", "равон оқадиган сув" маъноларида ишлатилган.

Озодлик - вилоятдаги кўплаб маҳаллаларга Республикамик мустақиллигини шарафлаш мақсадида қўйилган жой номи.

Ойим қишлоқ - Бувайда туманидаги маҳалла номи, вилоятда *Ойимча*, *Ойимча қақир* каби қишлоқ ва маҳалла номлари кайд этилган. Кўнчилик тадқиқотчилар бу номни Нодирабегимнинг тахаллуси Моҳларойимга нисбат бериб қўйилган деб ҳисоблайдилар. Жойда ҳар бир топонимни келиб чиқишини тадқиқ этиш керак.

Бўлиши мумкин. Таркибда -дон қўшимчаси билан ясалган *Билимдон*, *Бордон*, *Гаримдон*, *Зоҳидон*, *Насардон*, *Ободон*, *Рошидон*, *Майдон*, *Қадирдон*, *Ғолижондон* каби номларда -дон кўплик маъносиде ишлатилган.

Мисгарлик - Кўкон шаҳридаги маҳалла номи. Мисга ишлов бериш, мис идишлар ясаш ва уни таъмирлаш билан шуғулланадиган усталар яшайдиган маҳалла.

Муён - Қувасой шаҳар кенгашига қарашли қишлоқ. Муён сўзи тожикча «миён»-«ўрта» сўзи билан алоқадор бўлиши мумкин. Яқоб тилида миён «қишлоқ» деган маънони билдиради. *Тохмиён ёки тоемийён*, *Маркутмайин* каби қишлоқлар номи шу сўз билан алоқадор бўлиб, «сув бўйидаги қишлоқ», деган маъноларни билдиради. (Дўсимов., 1977).

Навбахор - вилоятда кенг тарқалган жой номларидан бири. Аксарият ҳолларда бу ном ўзбек тилидаги эрта баҳор, илк баҳор, баҳорнинг бошланиши маъносиде ишлатилган. Вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла номлари орасида Навбахор етти марта такрорланади.

Наврўз - такрорланиши бўйича Навбахор билан бир хил ўринда турувчи жой номи. Шамсия йил ҳисобида янги йилнинг биринчи куни наврўз деб аталади. Рамзий маънода янги куннинг, янги даврнинг бошланиши маъносиде ҳам шундай аталган жой номлари мавжуд.

Найман - вилоятдаги қишлоқлар номи. Найман - ўзбек уруғларидан бири, унинг бир қанча термоқлари бор. Найман сўзи мўғулча бўлиб, найма - "сақиз" деган маънони аниқлатади. Бу қишлоқлар вилоятнинг Бувайда, Тошлоқ, Кува, Охунбобоев, Ўзбекистон, Дангара туманларида, Қувасой шаҳри ҳудудида жойлашган. Найманларнинг XIII асрдан бошлаб Фаргона водийсига кириб келиши ҳуқумдор Кучлик номи билан боғлиқ (Губаева, 1983).

Найман-бўстон - Тошлоқ туманидаги қишлоқ номи. Юқорида Фаргона - Ёзёвон - Кува оралигида киргизларни бўстўн (бўз тўнли) уруғи вакиллари кенг тарқалганлиги ҳақдаги фикрга эътибор берилса, бу номни Найман ва Бўстон қабилалари номларидан олинганлигини таъкидлаш лозим.

Шоҳимардон сойидан оқиб келган сув ҳамда, қишлоқдан чиқаётган булоқ сувлари ҳозирги Олтиариқ қишлоғига етиб келганда олтига ариққа, олтига тармоққа бўлиниб кетган. Шу сабабли бу жой ариқнинг сонига, миқдорига нисбат берилгани ҳолда Олтиариқ деб атаб бошланган. (Охунов., 1994).

**Олчин** – Бағдод туманидаги маҳалла номи. Олчин бир қанча туркий халқлар таркибига кирган уруғ номи. Ўзбекистонда олчинлар кўпроқ Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида тарқалган.

**Офтобруй**– Сўх туманидаги маҳалла номи. Аслида бу сўз географик термин бўлиб, кўёшга қараган қунгай жойда жойлашган қишлоқ, маҳалла деган маънони аниқлатади.

**Олмурад** – Учкўприк туманидаги қишлоқ ва маҳалла номи. *Олмурад* ёки *Олмурад* оллоҳнинг мақсади, истаги деган маънони билдиради. *Олун* исми ҳам кўплаб топонимларни асосини ташкил этиб, тожик тилида кадимги руҳоний табақаси, мураббий, муаллим деган изоҳга тўғри келади.

**Оқариқ** – Фарғона шаҳар кенгашига қарашли қишлоқ номи. Сувиннинг рангига кўра оқариқ деб номланган. Одатда доимо оқадиган, кўпроқ қор сувида тўйинадиган сувга нисбатан оқ сўзи ишлатилади.

**Оқбилал** – Фарғона туманидаги қишлоқ номи. Тарихида биринчилардан бўлиб ислом динини қабул қилган Билал ибн Рубоҳ Хабаший номи билан боғлиқ деб изоҳловчилар ҳам бор. Бу сўзни “булоқ”, “қўлтиқ”, “бурчак” каби маънолари ҳам қайд этилган.

**Оқбўйра** – Олтиариқ туманидаги қишлоқ. Оқбўйра уруғ номи сифатида қайд этилади. Этимологиясини аниқлашда номнинг иккинчи-қисмидаги Бувра, Бўвра, Бура «туя, оқ туя» сўзи билан боғлаш ҳам мумкин. Бура ёки бўйра географик термин сифатида «ёнбош, ёнбағир, кирғок, чекка» деган маънони аниқлатади (Дўсимов., 1977; Қоғазов., 1970).

**Оқер** – Риштон туманидаги қишлоқ номи. Экин экиб юрилган, ўзлаштирилган ер - оқ ер деб аталади. Баъзан оқик-

соқилдан озод қилинган жойлар ҳам хур ер, оқ ер дейилади. (Қоғазов., 1978).

**Оқтепа**– Охунбобоев туманидаги қишлоқ. Тепа геоморфологик термин сифатида рельеф шаклини (бадандликни) билдиради. Тепалиқни ташкил этган жинсларни ранги ва хусусиятига қараб *Арзиктепа*, *Оқтепасой*, *Оқтепа*, *Тилотепа*, *Тоштепа*, *Тошлоқтепа*, *Шуртепа*, *Қизилтепа*, *Қоратепа*, *Қумтепа* каби жой номлари ташкил толган. Баъзилар оқ сўзи тепанинг рангини эмас, у ерда яшовчи, ерларга эғалиқ қилувчи аҳолининг келиб чиқиши оқ сўз, асизодалардан эканлигини аниқлатади деб ёзадилар (Қоғазов., 1998).

**Пастки Арча** – Фарғона туманидаги қишлоқ. Топонимикада рельефга нисбатан қўйилмаган жой номи. Бирор объектни иккинчисига нисбатан қўйида, этакда жойлашганлигини аниқлатади. Вилоятдаги *Пастки Бешката*, *Пастки Кўприк*, *Пастки Маҳалла*, *Пастки Тўлаш*, *Пастки Яхкатут* каби номлар шу аснода вужудга келган.

**Пиёзчилик** – Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Топонимикада –чилик қўшимчаси дехончилик, хунармандчилик соҳасида банд бўлган қишлоқ гуруҳини аниқлатади. Вилоятдаги *Богдорчилик*, *Даловчилик*, *Жиякчилик*, *Косибўчилик*, *Кўнчилик*, *Тароқчилик*, *Сўжчилик*, *Эгарчилик*, *Қандолатчилик* каби номлар шундай пайдо бўлган.

**Пишагар**– Бувайда туманидаги маҳалла номи. Топоним таркибидаги гар (гар) элементи тожик тилидаги тоғ сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай талқинда ушбу ном тоғ олдидаги қишлоқ маъносини билдириши мумкин.

**Повулгон** – Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Мўғул тилида Паулган- “кўниш жойи”, “урда”, “манзил” демакдир.

**Полвонтош**– Фурқат туманидаги маҳалла номи. Баъзи жойларда кичик бўлса ҳам оғир, полвонларгина кўтара оладиган палаҳса тошни полвонтош дейишади.

**Полосон** – Олтиариқ туманидаги қишлоқ номи. Фарғона водийсида ғалвирнинг бир тури полосон дейилади. Топоним форсча Палас сўзи билан алоқадор («дарвеш») деган фикрга қўшилсак, Паласон - «дарвешлар» демакдир. (Дўсимов., 1977).

**Понсад** - Бувайда туманидаги маҳалла номи. Понсад-хонлиқлар давридаги лавозим, асли понсадбоши дейилади. Кўкон хонлигида кўмондон полк (даста) командирини понсадбоши дейилган. Тожик тилида понсад ёки «панжсад» - «бешшо» деган маънони билдиради.

**Пошпоширим** - Бувайда туманидаги кишлоқ номи. Пирлар подшоши деган маънода бўлиши мумкин. Этимологияси илмий таҳлилга муҳтож.

**Пучугой**- Учкўприк туманидаги маҳалла номи. Аслида уруғ номидан олинган. Фарғона vodiysida кенг тарқалган ўзбек кичиклари орасида Пучугой уруғи вакиллари Кўкон атрофида кенг тарқалган (Губаева., 1983).

**Рапқон** - Бешарик туманидаги кишлоқ. Кўкон хонлари архивида Рафайкон кишлоқ шаклида тилга олинган. Бу сўз тожикча бўлиб, «ўртқоқлар» демакдир. (Кораяв., 1978).

**Рахматилло**- Данғара туманидаги кишлоқ ва маҳалла номи. Кишилларга қўйиладиган бу исм худонинг раҳимдиллиги, марҳамати деган маънони аңглатади. *Ражаб*- хурмат-эҳтиром ёки ражаб ойида туғилган болага шундай ном қўйиладди.

**Риштон** - Риштон тумани маркази. Дастлаб «Худуд алам»да, араб географлари Ибн Хавқал, Мукаддасий асарларида шаҳар деб кайд этилган. Этимологияси аниқ эмас. Рашидон «тўғри йўл топганлар» деб изоҳлангани кўпроқ диний талқинга мос тушади (Кораяв., 2005).

**Самарқанд** - Бағдод туманидаги кишлоқ номи. Шунингдек, Тошкент вилоятининг Бўка, Пискент, Чиноз туманларида шу номли кишлоқлар бор. Самарқанддан кўчиб келган кишилар яшайдиган кишлоқлар ана шундай ном олган. Топонимнинг этимологияси ҳақда турли фикрлар бор. Деярли барча тадқиқотчилар номнинг иккинчи компоненти «қанд», «кишлоқ», «шаҳар» деб ҳисоблайдилар. Аммо топонимнинг биринчи компоненти турли манбаларда турлича: баъзи манбаларда Самар-киши номи-(Самар-Абу Қараб) сарқарда исми билан боғланса, бошқаларда Самара- «мева, хосил яъни ширинлик шаҳри» деб изоҳланади. Беруний «Самарқанд - туркий тилда Самизқанд» - «маърифат шаҳри» (арабча - илм,

фан шахри) деб ёзади. Х.Хасанов номнинг бир қисмини форсча Ҳамара «йгин, тўпланиш» сўзи билан боғлаб, «тўпланиш жойи, масаҳат кишлоғи» дейди (Дусимов., 1977).

**Самандарак**- Бағдод туманидаги кишлоқ. Ўзбек тилида оч малла, сомон рангли от саман от деб аталади. Саман от топилган кишлоқ деб изоҳланиши илмий асосга эга эмас.

**Саодат**- Кўкон шаҳридаги маҳаллалардан бири. Араб тилида бахт, роҳат, тоълеб деган маънони билдирувчи бу сўздан топоним ясалган. Киши исмларидан *Саннат* (ризқи мўл, бадавлат), *Саттор* (химоя қилувчи, авф этувчи), *Собир* (маҳкам, чидамли, сабр қилувчи), *Содиқ* (садоқатли, вафодор, ҳалол), *Соли* (ҳаққоний, виждонли), *Султон* (давлатбоши, ҳоким), *Сунбула* (бир хил юлдузлар туркуми) кабилардан ҳам вилоятда қатор жой номлари вужудга келган.

**Сарикўргон** - Учкўприк туманидаги кишлоқ. Ушбу топонимни "юқори, бош томонда жойлашган кўргон" деб изоҳлаш мумкин. Бунда Сўх дарёсининг юқори қисмида жойлашган кўргон деган маъно келиб чиқади. Топонимикада сарик(к) уруғи ҳам кайд этилган. Сарик кичиклар таркибига кирган этник гуруҳ сифатида тилга олинган. Бундай ёндашувда Сарикўргон сариклар яшайдиган кўргон деган маънони билдиради.

**Сатқак**- Фарғона туманидаги кишлоқ. Этимологияси аниқ эмас. Қишлоқ худуди диний жиҳатдан мукаддас қадамжой сифатида зиёратгоҳга айлантирилган.

**Совурбулоқ** - Фарғона шаҳар кенгашига қаршли кишлоқ. Топоним таркибидagi асосий географик термин булоқдир. Юқорида айтилганидек бу сўз «окмоқ», «аралашмоқ» феълидан олинган. Булоқнинг характерни, шаклини, сонини, эгасини ифодаловчи сўзлар қўшилиб кўплаб жой номлари хосил бўлган, жумладан *Булоқ*, *Булоқбоши*, *Еттибулоқ*, *Зарбулоқ*, *Мингбулоқ*, *Оқбулоқ*, *Тўққизбулоқ*, *Қўшбулоқ* каби жой номлари «Булоқ» сўзи асосий топонимдир. Совурбулоқ турли хил касалликларни даволашда ишлатиладиган шифобахш суви туфайли шундай номланган деган изоҳ мавжуд.

**Сойбўйи** - вилоятнинг Фаргона, Ёзёвон, Охунбобоев туманларида ўн мартадан кўпроқ такрорланадиган жой номларидан бири. *Сойшилдир, Соикелди, Сойёни, Қорасой* каби номларда ҳам топоним ясовчи сўз сифатида сой ишлатилади. Соё сўзининг икки хил маъноси мавжуд. Асосий маъноси кичик дарё, оқар сув бўлса, қўшимча равишда сойлик, кенг водий, дарра маъносини ҳам англатади.

**Сувлиарик** - Ёзёвон туманидаги кишлоқ. Серсув арик маъносига номланган. Топонимикадаги нисбат бериш, киёслаш қонуниятига асосида *Беларик, Жарарик, Қўларик, Тошарик, Ўнгиларик, Қорарик, Қумарик* каби кишлоқ ва маҳалла номлари яратилган.

**Сурхтена**- Фаргона шаҳридаги маҳалла номи. Ном кўпинча сурх, яъни қизил тена деб изоҳланади. Бироқ бу сўзни янги деган маъноси ҳам бор. С.Қораев (2001) Сурх номи уруғ номи борлигини таъкидлайди.

**Суфон**- Қувасой пахар кенгашига қарашли кишлоқ. Мазкур топонимни этимологияси маълум эмас. Топоним таркибидаги —он аффикси тожикча бўлиб, кишиларнинг қандайдир ижтимоий гуруҳга (миллатга, уруғга, қаблага) мансублигини билдиради, *Арабон, Мангитон, Қосагарон, Қокйлон* каби. Бундай ёндашувда Суфон бирор гуруҳга (масалан, сўфилар) мансуб кишилар яшайдиган жой маъносига бўлиши мумкин.

**Сўфи** - Тошлоқ, Учкўприк, Қува туманларидаги кишлоқлар номи. Сўфи масжидда азон айтувчи киши. Кишлоқлар икки маънода шундай номланган бўлиши ҳам мумкин. Биринчидан сўфи яшайдиган ёки азон чақириладиган кишлоқ, иккинчидан содда, хуложўй кишилар истиқомат қиладиган кишлоқ ёки маҳалла.

**Сўх** - вилоятдаги туман ва кишлоқ номи. Энг қадимги кишлоқлардан бўлиб, дастлаб "Хулуд ал-олам" асарида араб географлари томонидан тилга олинган. Кишлоқ асли дарё номидан олинган. Сўх сўзининг илмий этимологияси аниқ эмас.

**Тағоб** - Ўзбекистон туманидаги кишлоқ. Вилоятда *Ахта-Тағоб, Катта Тағоб* ва *Кичик Тағоб* каби жой номлари бор.

Тағоб географик термин бўлиб, «ўзан, сой, киргок» маъноларига эга. Фарғона ва Бухорода ер ости сувлари чиқиб ётган жойларни тағоб дейишади. Тағоб сўзини тожиклар ҳозирги вақтда ҳам шу маънода ишлатадилар. Зарафшон дарёсининг бош томонида Тағобимайн кишлоғи бор. Зарафшон водийсида маълум бир каналдан суғориладиган майдон ҳам тағоб деб юритилган. (Қораев., 1970; Дўсипов., 1977).

**Тайпоқ** - Данғара туманидаги кишлоқ ва маҳалла номи. Ўзбек тилида бу сўз япалоқ, бир оз яссироқ деган маънода ишлатилади. Агар рельефга нисбатан олинса ясси, текис жойдаги кишлоқ маъносига ишлатилган бўлиши мумкин.

**Тақалик** - Ёзёвон туманидаги кишлоқ. С.Губаева (1983) бу каби номларни ташки кўринишига қараб (тақаси бор кишлоқ) этимологиясини аниқлаш хато бўлиши мумкинлигини ёзди. Ўзбек, киргиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ миллати тарқибига қарган шу номдаги уруғ қайд этилади.

**Телиминг** - Данғара туманидаги кишлоқ ва маҳалла номи. Қорақалпоқ миллати тарқибига қарган уруғ номидан олинган. Фарғона вилоятининг 1909 йилдаги маъмурий бўлинишида Телиминг -тўпийбой, Телиминг-тўпикорабой номи кишлоқлар қайд этилган (Губаева., 1983).

**Тенақўргон** - Учкўприк туманидаги кишлоқ ва маҳалла номи. Тенақўргон-Кўргонтепа туپроқдан уйиб қилинган баланд тепалик маъносига. Тена иборасини ижтимоий воқелик билан қўшилшидан вилоятда *Азизтепа, Арабтепа, Гўртепа, Зиндонтепа, Китконтепа, Симтепа, Собиртепа, Сочтепа (Чочтепа), Теналик, Тенатағи, Тена Жамоер, Шаҳартепа, Қоросултепа* каби жой номлари шаклланган.

**Тоғул** - Бешарик туманидаги кишлоқ. С.Қораевнинг (1978) ёзишича қитчочларда шу ном билан атадувчи уруғ номи қайд этилган.

**Тожиқ** - Охунбобоев, Тошлоқ, Қува, Учкўприк туманларидаги кишлоқлар номи. Тожиклар ўзбек ва киргизлар билан ёнма-ён яшайдиган худудларда жойлашган кишлоқларга шундай ном берилади.

**Тошлок** - Тошлок тумани маркази. Ўзбекистонда кенг тарқалган топоним бўлиб, Андижон, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида ҳам Тошлок деган кишлоклар бор. Тошлок деганда кўпинча қиррали тошлар тушунилади, юмалок, силлик тошлардан иборат сойлик шу маънодаги тожикча «санлок» сўзи билан аталади. (Қорасев., 1978).

**Тоғлик-Бувайда**, Охунбоев туманларидаги кишлоклар номи. Шарқий Туркистондаги этник гуруҳлардан бирининг номи. Бундан ташқари қирғизларда ҳам шундай уруғ қайд этилган. Тоғлик, тоғчи, тоқчи шаклида учрайди.

**Тувадок** - Бағдод туманидаги кишлоқ. Кучманчи Ўзбеклар таркибида шу номдаги уруғ қайд этилган. Мазкур уруғнинг рамзига айланган муҳаддас жонивор ҳам шундай аталади.

**Тул** - РИШТОН туманидаги кишлоқ. Тул - арабча сўз бўлиб, «узун, чўзинчоқ» деган маънони билдиради. Кишлоқ конфигурациясидан (шаклидан) шундай ном олган бўлиши мумкин.

**Турбат** - Тошлок туманидаги кишлоқ. Турбат арабча туброқ сўзининг кўплик формаси бўлиб, «тупроқ, хок, қабр» деган маънони англатади. Улуғ кишлоқнинг қабрлари устига қурилган бино, мақбара ҳам Турбат дейилган. Масалан, Гўри Амир мақбараси Турбати Темур деб ҳам аталган, Турбат номли жойлар одатда азиз-авлиёларнинг мазори, қадимжойи ёнида бўлади. (Қорасев., 1978). Қадимда Турбат деган турк-мўғул қабиласи ҳам қайд этилган.

